

Rahbar borki, belini mahkam bog'lab, avvalo o'z manfaatini emas, el-ulusni, shu yerda yashayotgan insonlarning manfaatini o'ylab fidoyilik ko'rsatib, shu yurt uchun jonimni beraman, deb mehnat qilishi kerak.

Islom KARIMOV



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan 2004-yil 27-noyabr, shanba

№ 96 (7705)

СИРДАРЁНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ШУҲРАТИНИ МАРД, ОРИЯТЛИ ИНСОНЛАР ТИКЛАЙДИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

26 ноябрь куни халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари барча минтақа ва ҳудудларимиз қатори Сирдарё вилояти ҳам иқтисодий-ижтимоий ҳаётда янги марралар сари интилаётганини таъкидлади. Тўққиз ойлик якунларига кўра, вилоятда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112 фоиз, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 116 фоиз ўсди. Хорижлик ҳамкорлар иштирокида барпо этилган саноат корхоналари, жумладан, йилига 7,5 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Лола-модуль», лойиҳа қиймати 15 миллион еврога тенг «Сайхун-медтекс», қарийб 500 минг долларлик сармоя киритилган «Сардоба-давр ЛТД» каби қўшма корхоналар ишга туширилгани вилоят иқтисодий-иҷтимоий юксалтиришда, ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга, деб таъкидлади Президентимиз, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда Сирдарё вилоятининг асосий соҳаларидаги кўрсаткичлар, бу заминда шаклланган иқтисодий салоҳият пасайиб бормоқда.

Вилоятда давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режаси 13 йилдан буён сурункасига бажарилмай келяпти. Жорий йилда вилоят пахта тайёрлаш шартнома режаси бўйича республикада энг охири ўринда қолиб кетди. Вилоят бўйича 73 минг тонна пахта ҳосили бой берилди, бошқача айтганда, 18 миллиард сўм даромад йўқотилди.

Фаллачилик соҳасида ҳам орқага кетиш, ҳосилдорликнинг камайиши кузатилаётир. 1 минг 66 фермер хўжалиги шартнома режасини бажара олмагани ту-

файли вилоят бўйича жорий йилда 12,4 минг тонна дон кам топширилди.

Ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш ўрнига, уларни ҳисоботдан яшириш, талон-торож қилиш кучайиб кетган.

Бундай салбий ҳолатларнинг сабаби вилоятда ишлаб чиқаришни янгилаш ва такомиллаштириш, ишни янги асосда ташкил этиш, бошқача айтганда, ташкилотчилик ва талабчанлик бўлгани кетганлигидир. Шунингдек, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда, уларнинг масъулиятини оширишда жиддий хатоларга йўл қўйилган.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Равшан Ҳайдаров ўз аризасига биноан Сирдарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислom Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Абдурахим Жалолов Сирдарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан «Дўстлик» каналдан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Олимжон Ражабов, Боёвут туманидаги 31-мактаб директори Баҳри Бобоқуллова, Гулистон туманидаги «Уч қахрамон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдураззоқ Абдуназаров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими котиби Ҳаётхон Ортиқбоева Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни уюшқоқлик ва масъулият билан адо этиш, Сирдарё шухрати ва обрў-эътиборини тиклаш вилоят аҳлининг бугунги кундаги асосий бурчи эканини алоҳида таъкидладилар.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Акимжон АДIZОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Президент Ислom Каримовнинг Халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи баёни

Бугунги йиғилишимиз кун тартибига қўйилган масала бўйича батафсил фикр алмашиб, тегишли қарор қабул қилишимиз зарур, деди давлатимиз раҳбари сессияда. Маълумки, мавсум ёки йил якунига етиши билан ҳар қайси жамоа, ҳар қайси ташкилот, керак бўлса, ҳар қайси туман ва вилоятда амалга оширилган ишлар танқидий нуқтаи назардан баҳолашиб, сарҳисоб қилинади.

Бугун биз Сирдарё вилоятининг иш якунларини кўрар эканмиз, эътиборни нафақат бир йиллик натижаларга қаратишимиз, балки охириги йилларда шу заминда барча соҳаларда эришилган марраларни эътироф этган ҳолда, ҳаммамизни ташвишга соладиган, чуқур ўйлашга мажбур қиладиган воқеалар, сурункали тус олган оқсоқлик сабаблари ҳақида фикр юритишимиз ва уларни бартараф этиш йўлларини излашимизни ҳаётимизнинг ўзи тақозо этмоқда.

Дарҳақиқат, бу йил қатор вилоятларда бўлиб ўтган учрашувларда, навбатдан ташқари сессияларда жойларда ислохотларнинг бориши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Бу йиғилишларда ким қандай ютуқларга эришгани, ким қандай хато ва камчиликларга йўл қўйгани ҳақида рўй-рост гапириляпти, ҳар ким ўз ишига қараб муносиб баҳосини оляпти.

Биров рағбатга сазовор бўляпти, бошқа бировнинг эса ўз жойини бўшатиб беришига тўғри келяпти.

Қаерда бўлмасин, ютуқларимиз билан бирга камчиликлар ҳақида ҳам ҳеч кимдан яширмасдан, телевидение ва матбуот орқали халқимизга ахборот бериб бориляпти.

Масалала бундай ёндашув бизнинг демократия ва ошкоралик тамойиллари асосида янги жамият қураётганимиздан, ана шу умумбашарий қадриятлар онгу тафаккуримизга тобора сингиб, ҳаётимиз эркинлашиб бораётганидан далолат беради.

Сирдарё вилояти ҳақида, унинг тузилиш ва шаклланиш тарихи, мамлакатимиз ҳаётида тутган иқтисодий, сиёсий-ижтимоий, маданий ўрни, унинг бугунги куни ва келгуси истиқболи ҳақида сўз юритганда, албатта, бу вилоят, бошқалардан фарқли ўлароқ, қандай қийин ва оғир шароитда ташкил топганига алоҳида эътибор берилади, деди Президент. Жумладан, чўл ҳудудда жойлашган ушбу вилоят ерларининг аксарият қисми шўрлангани, жазирама иссиқ, сув ресурслари, ишчи кучининг етишмаслиги каби объектив ҳолатлар мавжудлигини ҳеч ким инкор этмайди. Албатта, буларнинг барчаси Сирдарё вилояти ривожига, шу ерда яшаётган юз минглаб

одамларнинг ҳаётига катта салбий таъсир кўрсатаётганини ҳаммамиз тан оламиз.

Шу боисдан ҳам ҳар гал янги йил ва истиқбол режаларини белгилаётганда ҳукуматимиз ва тармоқ вазирликлари бу вилоятнинг муаммоларини алоҳида ҳисобга олиши нақадар муҳим экани ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман. Вилоятдаги аҳволни қисқача таҳлил қиладиган бўлсак, ишлаб чиқариш соҳаларини, жумладан, етакчи қишлоқ хўжалик тармоғини оладиган бўлсак, тупроқ унумдорлигининг пастлиги, ер ости сувларининг кўтарилиб, шўр босиши тобора кучайиб бораётгани, ирригация ва мелиорация ишларига доимий эътибор қаратиш зарурлиги маълум бўлади.

Лекин, шулар қаторида бир саволга холисона жавоб берайлик, деди Президентимиз. Сирдарё вилояти шароитига бундай кўз билан қараш, бундай муносабат ўз йўли билан, аммо шу ерда яшаётган одамларнинг ҳаёт даражасини бошқалардан кам бўлмайдиган бир босқичга кўтариш, уларнинг ўз меҳнати, куч-ғайрати билан муносиб даромад топиши учун тегишли шароит ва имкониятлар яратиб бериш, аввало жамоатчилигимиз ва халқимизни шунга сафарбар қилиш керакми, йўқми?

(Давоми 2-3-бетларда)

FARMON

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра

Abdurahim Abdurahmonovich Jalolov Sirdaryo viloyatining hokimi etib tayinlandi.

SO'NGGI

UCH KUN MUJDALARI

darajasida takomillashtirish, xalqaro andozalar darajasiga yetkazish masalasiga alohida e'tibor qaratildi. Majlisda O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri o'rinbosari R.Qosimov, Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i Kengesi Raisi M.Yerniyazov ishtirok etdi.

MAJLIS

Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashida bo'lib o'tgan oliy o'quv yurtlari rektorlari, kasb-hunar kollejlari direktorlari, soha mutaxassislarining majlisida ta'lim-tarbiya tizimini zamon talabi

GAZETANI BARAKLAGANDA:

ЯКУНИЙ НАТИЖА — ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИ

4-бет

ВАТАН, МАКТАБ, УСТОЗ — АВЛОДЛАР АРДОҒИДА

5-бет

ЎҚУВЧИН-ГИЗНИ ФАРЗАНДИН-ГИЗДЕК ЯХШИ КЎРИНГ!

7-бет

НЕГА МАКТАБДАН ҚОЧАСИЗ?

10-бет

УСТОЗ САБОҚЛАРИ

11-бет

ДАРС — ҲАЙРАТЛАР ОЛАМИ

12-бет

ИККИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧ

16-бет

СИРДАРЁНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ШУҲРАТИНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Яхши ният билан меҳнат қилаётган одамларнинг бошини қовуштириш, кўнглини кўтариш, ишни оқилона ташкил қилиш, бир сўз билан айтганда, қийинчиликларда тобланган ва суюги қотган, ор-номусли Сирдарё ахли олдиға амалий режалар ва катта марраларни қўйиб, уларни шу мақсад сари бошлаш кимнинг вазифаси бўлиши керак?

Ана шундай масъулиятни ўз зиммасига оладиган, шу ерни обод қилишга деб боғлаган, шу юрт менинг, оиламнинг, болаларимнинг ватани, деган фикр билан яшайдиган одамларни кимдир етакчи бўлиб руҳлантириши, зарур бўлганда, кўкрагини қалқон қилиб уларни ҳимоялаши керакми, йўқми? Мамлакатимиз раҳбари вилоят ҳаётида тўпланиб қолган ўткир муаммолар, ғов-тўсиқларнинг ҳаммаси бугунги кунда авваламбор бир масалга - кадрлар масаласига бориб тақалиши аён, дея таъкидлади. Яъни, билимли, ташкилотчи ва ташаббускор, жавобгарликни ўзига олишга қодир бўлган, ўзини аямасдан ишлайдиган фидойиларнинг етишмаслиги Сирдарё шароитида ҳали-бери оғир муаммо бўлиб қолмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, Сирдарёнинг катта салоҳиятга эга экани, унинг Ўзбекистон ривожига қандай ҳисса қўшгани, кўп-кўп ишнинг кўзини билладиган, етук кадрлар шу ерда камол топиб, ўзини намоён этгани ҳам жамоатчилигимизга яхши маълум.

Вилоят тарихида шундай кўтарилиш даврлари бўлганки, улар ҳақиқий мардлар ва қаҳрамонларни юзага чиқарган. Бу баландпарвоз гап эмас. Шу заминни ўзлаштиришга азму қарор қилиб, юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан келган минг-минглаб одамлар электр ўрнига керосин чироқ ёқиб, гармсел шамоллари ва қаҳратон совуғига бардош бериб яшаган ва ишлаган. Буни халқимиз жуда яхши билади.

Ана шундай заҳматқаш кишиларнинг меҳнати ва матонати билан Сирдарё том маънодаги вилоят бўлиб шаклланган. Бугун шу инсонларнинг номларини, эл-юрт равнақи йўлидаги унутилмас хизматларини эслаб, уларга ҳар қанча ҳурмат-эҳтиром билдирсак арзийди. Афсуски, охириги йиллар мобайнида Сирдарёда бундай ибратли мисоллар ўзининг давомини топмапти.

Албатта, бугун вилоятда ҳеч қандай ўзгариш рўй бермапти, десак, адолатдан бўлмайди. Барча минтақа ва худудларимиз қатори Сирдарё вилоятида ҳам ҳаёт, тараққиёт тўхтаб тургани йўқ, мавжуд қийинчиликларга қарамай, одамлар ишламоқда, янги-янги марралар сари интилмоқда. Шу ўринда 9 ойлик якунларига кўра, вилоятда йлли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112 фоизга, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 116 фоизга ўсганини қайд этиш зарур.

Хусусан, АҚШ, Россия, Туркия ва Швейцария мамлакатлари иштирокида барпо этилган замонавий саноат корхоналари, жумладан, йилига 7,5 миллион дона трикотаж маҳсулотлари

ишлаб чиқарадиган «Лола-модуль», лойиҳа қиймати 15 миллион евро бўлган «Сайхун-медтекс», қарийб 500 минг долларлик сармоя киритилган «Сардоба-давр ЛТД», қишлоқ хўжалик соҳаси учун зарур ускуна ва механизмлар тайёрланадиган «Б-Алтайсервис» каби қўшма корхоналарнинг ишга туширилгани вилоят иқтисодиётидаги салмоқли ўзгаришлар қаторига кирди.

Ҳозирги вақтда бу ерда Ўзбекистон ва Буюк Британия иштирокида барпо этилган «Сарбон-текс» қўшма корхонасининг иккинчи навбатини қуриш бўйича ишлар якунланмоқда. Энг муҳими, мана шундай катта лойиҳаларни амалга ошириш натижасида вилоят бўйича 14 мингдан зиёд, шу жумладан, қишлоқ жойларида 11 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Вилоятда шаҳар ва қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинган, хусусан, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида сув тармоқлари тортиш 129 фоиз, газ тармоқлари тортиш эса 123 фоизга кўпайганини, янги йўллар, болалар спорт иншоотлари қурилганини, ободончилик ишлари бажарилганини ижобий баҳолаш мумкин.

Шу билан бирга, Президентимиз кейинги йилларда Сирдарё вилоятининг кўпгина асосий соҳалардаги кўрсаткичлари, бу заминда йиллар давомида шаклланган иқтисодий салоҳиятнинг тобора пасайиб бораётганини афсус билан қайд этди.

Ислом Каримов бундай қолоқ вазиятни кузатиш ва исбот қилиб бериш учун фақатгина айрим соҳа ва тармоқлар аҳолига депутатлар эътиборини жалб қилар экан, вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режаси 13 йилдан буён сурункасига бажарилмасдан келаётганини кўрсатиб ўтди.

Жорий йилда ҳам бу борада сезиларли ўзгариш бўлмагани, пахта тайёрлаш шартнома режаси республика бўйича энг охириги ўринда — 72 фоизда қолиб кетгани, ҳосилдорлик атиги 15 центнерни, Ховос ва Мирзаобод туманларида эса 10 центнерни ташкил этгани гоят ачинарлидир.

Бу соҳадаги жиддий хатокамчиликлар туфайли вилоят бўйича 73 минг тонна пахта ҳосили бой берилди, бошқача айтганда, 18 миллиард сўм даромад йўқотилди, давлатга, халққа қанча зарар етказилди. Энг ёмони, бундай аҳвол йил бўйи кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўкиб меҳнат қилган одамларнинг даромади ва турмуш даражасига салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди.

Вилоятда пахтачиликка ихтисослашган 8 та туман, 26 та ширкат хўжалиги, 6 минг 186 та фермер хўжалиги пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажармаган.

Бунинг тагини суриштирсангиз, асосий сабаби битта - яъни ишни тўғри ташкил этолмаслик, масъулиятсизлик ва ўзибўларчилик кайфиятида десак, айна

ҳақиқатни айтган бўламиз. Минг афсуски, мана шундай ҳолат кўп йиллардан буён муттасил давом этиб, туман ва вилоят раҳбарлари уни қандайдир табиий ҳол, деб ҳисоблашга ўрганиб қолган, деди Ислом Каримов.

Бундай салбий ишлар учун қуюниш, ўзини қийнаш, шу вазиятга олиб келадиган сабабларни таҳлил қилиш, уларнинг илдизига етиб бориш, амалий чора-тадбирлар кўриш ўрнига бу раҳбарлар бепарволик ва лоқайдликка берилиб кетганини сезиш қийин эмас.

Энг ачинарли томони шуки, ҳар йили мана шундай мавсум якунида белгиланган режа ва мажбуриятларнинг бажарилмаганига албатта сабаб топилади. Раҳбарлар эса ўзини оқлаш учун турли-турли баҳоналарни рўқач қилиб, ваъзхонликдан нарига ўтмайди.

Мисол учун, жорий йилни олсак, у ҳақиқатан ҳам, ҳар томонлама пахтачилик учун қулай келди, деди мамлакатимиз раҳбари. Табиий шароит ҳам, обҳаво ҳам, ҳосил учун энг зарур бўлган сув таъминоти ҳам яхши бўлди, бундан ноласак, ношукрлик бўлади.

Шу ўринда Президентимиз бир қатор саволларни ўртага ташлади.

Сирдарё вилоятида ҳам жуда кўп меҳнат сарф қилиниб, яхши ҳосил етиштирилган бир пайтда уни йиғиб-териб олиш ишлари тўғри ташкил этилмагани, хусусан, зарур ишчи кучи, теримчилар кенг жалб қилинмаганини қандай баҳолаш керак?

Натижада деҳқонларнинг пешона тери билан шундай қийинчилик эвазига етиштирилган ҳосилнинг далада қолиб кетгани учун ким жавоб беради?

Сирдарёда ҳар доим ишчи кучи етишмаслигини олдиндан билатуриб, техникани ўз вақтида тайёрлаш, механизаторларни сафарбар этиш, уларни рағбатлантириш, бир сўз билан айтганда, механизация ҳисобидан бу масалани ечиш бўйича ким ўйлаши, ким қайғуриши керак эди?

Жорий йилда вилоятдаги мавжуд 201 та терим машинасидан 140 таси ишлатилгани ҳам шунинг оқибати эмасми?

Пахтачиликдаги қолоқликнинг яна бир сабаби - ғўза навларини районлаштириш ва Сирдарё шароитига мос келадиган навларни танлаш ишларида аниқ илмий ёндашувнинг йўқлиги билан боғлиқ, деб қайд этди Ислом Каримов. Маҳаллий шароитда синовдан ўтган навларни кўпроқ экиш, янги навлар устида қаттиқ ишлаш масаласи ўзибўларчиликка ташлаб қўйилганини кузатиш қийин эмас.

Маълумки, Сирдарё вилоятидаги мураккаб шароитни ҳисобга олиб, пахта бўйича шартнома режалари охириги йиллар анчага камайирилиб қўйилганини ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Яратиб берилган шароитга қарамасдан, белгиланган режа ни ҳалол бажариш ўрнига айрим мансабдор шахслар томонидан кўзбўямачилик, сохта ҳисоботлар бериш каби хунук хатти-ҳаракатлар содир этилаётганига нима деса бўлади?

Текширишлар натижасига

кўра, бу йилги пахта йиғим-терими мавсумида вилоят ҳокимининг таъйиқи остида анча-мунча кўшиб ёзишлар бўлгани аниқланган. Бу жиной ишлар бўйича ҳозир тергов органлари текширув ўтказмоқда ва айбдорлар албатта жазосини олади.

Юртбошимиз куйиниб айтганидек, вилоятда нафақат пахтачилик, балки бошқа муҳим тармоқлар, жумладан, ғаллачилик соҳасида ҳам муттасил орқага кетиши, ҳосилдорликнинг камайиши кузатилмоқда.

Бу борада 1 минг 66 та фермер хўжалиги шартнома режасини бажара олмагани, оқибатда вилоят бўйича жорий йилда 12,4 минг тонна дон кам топширилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Минг афсуски, бу соҳада ҳам қўшиб ёзиш ҳолатларига йўл қўйилган. Жумладан, «Ховосдон» акциядорлик жамиятида 15 минг тонна, «Оқолтиндон» акциядорлик жамиятида 3 минг 800 тонна, «Боёвут» дон тайёрлаш пунктида эса 1 минг 500 тонна ғалла қўшиб ёзилгани бу тармоқда ҳам қинғир ишлар борлигини кўрсатади.

Мутасадди раҳбарларда талабчанлик ва қатъият етишмаслиги туфайли вилоятда ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш ўрнига уларни ҳисоботдан яшириш, талон-торож қилиш ҳолатлари авж олган. Масалан, Ховос туманидаги «Истиклол» фермер хўжалигида 60 гектар ерга пахта ўрнига полиз ва сабзавот, маккажўхори ва шоли экилган.

Бундай бемаза ишлар Гулистон ва Сирдарё, Сайхунобод ва Сардоба, Оқолтин туманларида айниқса чуқур томир отган. Шунинг натижасида вилоят бўйича тахминан 1,5 минг гектар ерга пахта ўрнига бошқа экинлар экилиб, ердан фойдаланиш бўйича мавжуд тартиб-қоидалар бузилган.

Президентимиз фермерларга ер ажратиш борасида уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайнигарчилик иллатлари кучайиб кетганини исботловчи аниқ далилларни келтириб ўтди. Мисол учун, Боёвут тумани ҳокими Эргаш Дадабоев ўз ўғлига 88 гектар ерни, бу ҳам етмаганидек, бутун бир фермер хўжалигини қонун талабларига зид равишда расмийлаштириб берган.

Айрим масъул раҳбарларнинг ўз лавозимини суиистеъмол қилиши билан боғлиқ бундай нохуш ҳолатлар кўплаб учрамоқда. Ўтказилган текширувлар давомида аниқланишича, мансабдор шахслар ва баъзи ҳокимлик вакилларининг 30 та ҳолатда қонунга хилоф тарзда ер ажратишга аралашгани ҳам буни исботлаб турибди.

Вазирлар Маҳкамасининг вилоятдаги 25 та ширкат хўжалигини фермер хўжалиқларига айлантириш тўғрисидаги қарорини бажариш охирига етказилмагани сабабли 1 минг 700 гектар ер ҳозиргача эгасиз ётибди. Ушбу хўжалиқларнинг 1 миллиард 500 миллион сўмлик мулки ҳали-бери хусусийлаштирилмаган.

Республика ҳукумати вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2000-

2004 йилларда ирригация ва мелиорация тармоқларининг капитал қурилиши ва эксплуатацияси учун 28 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратган эди. Афсуски, бу маблағнинг 83 фоизи ўзлаштирилган, холос.

Ишга ана шундай лоқайдлик оқибатида Сирдарё шароитида катта аҳамиятга эга бўлган хўжалиқларро ва ички сугориш каналлари ҳамда коллекторларини тозалаш ва реконструкция қилиш ишлари бор-йўғи 50 фоиз атрофида бажарилган.

Натижада кейинги икки йил давомида шўрланган майдонлар қарийб 10 минг гектарга кўпайиб, умумий ҳисобда 64 минг 500 гектарга етган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, вилоятда 2 минг 730 гектар экин майдони бўйича ҳисоботлар нотўғри юритилгани, 150 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлари ўзлаштириб юборилгани нафақат ер масаласида, балки бошқа моддий ресурсларни сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш борасида ҳам тартиб-интизом бўшашиб кетганини кўрсатади.

Тармоқда шартнома мажбуриятларининг сурункасига бажарилмаслиги оқибатида кўпгина хўжалиқларнинг молиявий аҳоли ёмонлашиб бормоқда. Вилоятдаги 18 та ширкат хўжалиги 445 миллион сўм, 1 минг 700 та фермер хўжалиги эса 3,5 миллиард сўмдан зиёд транш маблағларини олгани ҳолда, уларни ҳали-бери банкларга қайтармагани ҳам буни исботлаб турибди.

Албатта, юқорида зикр этилган салбий ҳолатлар бўйича барча айбдор шахслар қонун олдида жавоб беради. Лекин кўзбўямачилик ва фирибгарликнинг шунчалик чуқур томир отишига тегишли органлар, депутатлар ва фаоллар нега жимгина қараб турди, деган ҳақли савол туғилади.

Сирдарё вилоятида бугунги кун талаби бўлган иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишлар таҳлилига тўхталар экан, мамлакатимиз раҳбари бу борада ҳам оқсоқлик кўзга ташланаётганига эътиборни қаратди.

Ҳозирги пайтда вилоятда хорижий инвестициялар иштирокида тузилган 43 та қўшма корхонадан 12 таси турли сабаблар билан ишламаётгани бу масалга бўлган лоқайдлик ва эътиборсизлик натижасидир.

Вилоятда жойлардаги мавжуд хомашёдан тайёр маҳсулот ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш борасида қабул қилинган минтақавий дастур амалда бажарилмасдан келмоқда.

2004 йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, маҳаллий хомашё негизда маҳсулотлар ишлаб чиқариши режалаштирилган 7 та корхонадан бор-йўғи учтасида эндигина бу иш бошланган.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Нима, Сирдарёда бунинг учун керакли хомашё йўқми? Бор. Фақат бу ишга эътибор йўқ, раҳбарларда масъулият йўқ, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш йўқ, деди

МАРД, ОРИЯТЛИ ИНСОНЛАР ТИКЛАЙДИ

Юртбошимиз. Вилоятда етиштирилаётган гўштнинг атиги 14 фоизи, сутнинг 12 фоизи, пахтанинг 4 фоизи, хўл меванинг 5 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланаётгани ҳам буни исботлайди. Холбуки, вилоятда кўп миқдорда етиштириладиган сабзавот ва боғдорчилик, жун ва тери маҳсулотларини қайта ишлаб даромад топиш имкониятлари мавжуд.

Вилоятда молиявий барқарорликни таъминлаш, ўзаро ҳисоб-китобларни тўғри йўлга қўйиш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, нақд пул тушумини кўпайтириш, айланма маблағлар салмоғини ошириш борасида ҳам талайгина муаммолар бор. Жорий йилнинг 1 сентябрига дебиторлик қарзлар миқдори 245 миллиард сўмдан, кредиторлик қарзлар эса 248 миллиард сўмдан ошиб кетгани буни яққол тасдиқлайди.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишнинг сифатини ошириш, қарзларни ундириш борасида тегишли чора-тадбирлар кўрилмаётгани туфайли бу соҳадаги қарзлар миқдори йил бошидан буён 123 миллион сўмга кўпайган.

Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, вилоят раҳбарияти бу ҳолатларнинг сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш ўрнига бюджетга пул тушумларини таъминлашнинг ғайриқонуний усулларини қўллаган. Яъни, хусусий тадбиркорларга дўқ-пўписа қилиш, тазийқ ўтказиш орқали қонунга хилоф ишларни амалга оширган ва фирибгарлик йўлидан ҳам қайтмаган. Бу борада кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Ҳозирги вақтда Марказий банк ва Молия вазирлиги бундай номақбул ҳолатларга чек қўйиш устида иш олиб бормоқда.

Аҳолисининг кўп қисми чўл Худудларида яшайдиган Сирдарё вилоятида ижтимоий масалалар қанчалик долзарб аҳамиятга эга экани ҳеч кимга сир эмас, деди Президентимиз, бу борадаги ишлар ҳам қониқарсиз аҳволда эканини қайд этиб.

Мисол учун, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласини олсак, бугунги кунда вилоятдаги жами 474 километр узунликдаги сув тармоғининг 193 километри фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолгани, мавжуд 94 та қудуқнинг 30 тасидан умуман фойдаланиб бўлмагани аён бўлади.

Давлатимиз раҳбари куйинчаклик билан сўзлаганидек, ҳатто раҳбарларнинг шундоқ кўз ўнгида бўлган Гулистон шаҳридаги сув насосларининг 60 фоизи яроқсиз ҳолга келиб қолгани сабабли, кўп қаватли уйларнинг юқори қаватларига сув етказиб беришда мунтазам узилишлар рўй бермоқда. Шаҳардаги мавжуд 139 километрлик сув тармоғининг 85 километри фойдаланишга деярли ярамайди.

Ислом Каримов ана шу мураккаб муаммони ечиш учун ҳукуматимиз ва Осие тараққиёт банки ўртасида 2002-2007 йилларда Гулистон шаҳрини сув билан таъминлаш тизимини тақомиллаштириш мақсадида шартнома имзоланганини эслатиб ўтди.

Бу шартномага кўра, шаҳарда 14 миллион 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги иш бажарилиб, сув тармоқларини қайта тиклаш ва қуриш режалаштирилган эди. Лекин вилоят раҳбарияти ва тегишли мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги туфайли лойиҳани амалга ошириш ишлари пайсалга солиниб, фақат 2003 йилнинг декабрида бошланди.

Шу боис ҳозиргача Шимолӣ Гулистон сув тўплаш ҳавзасида сигими бор-йўғи 10 минг куб метрли иншоот қурилган, холос.

Вилоятда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган академик лицей ва касб-хунар коллежларини барпо этишдек долзарб масалада ҳам қоқоқликка йўл қўйилмоқда.

2002-2004 йилларда фойдаланишга топшириш мўлжалланган 19 та касб-хунар коллежнинг 6 таси ҳанузгача қуриб битказилмаганини албатта қониқарли деб бўлмайди. Бундай ачинарли ҳолатни соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кўриш мумкин. Масалан, жорий йилда белгиланган 20 та қишлоқ врачлик пунктидан атиги 6 таси ишга туширилган.

Вилоятда бу ўта муҳим масалага мана шундай совуққон муносабат туфайли аҳолининг умумий касалланиш даражаси ўтган йилга нисбатан 8 фоизга, шу жумладан, вирусли гепатит 23 фоизга, нарколепсия касалликлар эса 20 фоизга кўпайган. Оналар ва болалар ўртасида касалликларга чалиниш даражаси юқориликча қолмоқда.

Буларнинг барчаси вилоятда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун зудлик билан зарур чора-тадбирлар кўришни талаб этади, деди Ислом Каримов.

Сирдарё вилоятида қонунчиликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ишларнинг ҳолати барчани ташвишга солмоқда. Буни жорий йилнинг 9 ойи давомида содир этилган жиноятлар сони 4,5 фоизга, жумладан, оғир тан жароҳати етказиш 25 фоизга, транспорт воситаларини ўғрилаш 100 фоизга кўпайгани ҳам тасдиқлайди.

Вилоятда товар-моддий бойликларни қонунга хилоф равишда четга олиб чиқиш ҳолатлари йўлига қатъий тўсиқ қўйилмаяпти.

Биргина шу йилнинг 9 ойи мобайнида 150 тонна қора ва рангли металл, 26 тонна минерал ўғит қўшни давлатларга контрабанда йўли билан олиб ўтилаётганда ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ушланган.

Юқорида зикр этилган салбий ҳолатларнинг илдиизи, томири қаерда, деган саволга жавоб излайдиган бўлсак, деди Юртбошимиз, бунинг сабабини биринчи навбатда вилоятда тартиб-интизомнинг бўшашиб кетганида ва тақрор айтишга тўғри келади - кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг масъулиятини оширишда йўл қўйилаётган жиддий хатоларда кўриш керак.

Шу ўринда илгари ҳам билдирган бир фикрни яна айтмоқчиман, деди Президент. Раҳбар борки, белини маҳкам боғлаб, аввало ўз манфаатини эмас, элулусни, шу ерда яшаётган инсонларнинг манфаатини ўйлаб

фидойилик кўрсатиб, керак бўлса, шу юрт учун жонини бераман, деб меҳнат қилади. Бундай раҳбар одамларнинг бошини қовуштириб, олдига катта марраларни қўйиб мана шу заминни обод этиш, одамларни рози қилишга эришади.

Лекин, надомат билан айтиш керак, ҳаётда шундай раҳбарлар ҳам бўладики, мансаб курсисига ўтириши билан мутлақо ўзгариб қолади. Олдин ким бўлганини, қайси қишлоқ, қайси маҳалладан чиққанини унутди. Бир сўз билан айтганда, оёғи ердан узилади.

Ўзининг кибр-ҳавоси, одамларни менсимаслиги, ўзбошимчилиги ва қўполлиги билан кўпчиликнинг кўнглини ранжитади. Одамларни, жамоатчиликни бирлаштириш, руҳини кўтариш ўрнига тескари оқибатларга олиб келадиган ишларга қўл уради.

Вилоят ҳокими Равшан Ҳайдаров фаолияти ҳақида гапирганда, шуни айтиш керакки, у тасодифан ҳоким бўлиб қолган эмас. У илгари ҳам кўп жойларда, катта лавозимларда ишлаб, тажриба орттирган, деди Ислом Каримов.

Унинг кўп йиллар Ички ишлар вазирлигида масъул лавозимларда ишлагани, жумладан, етти йил вазир муовини бўлгани, кейинчалик Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармасига раҳбарлик қилгани, сўнгги йилларда фавқулудда вазиятлар вазири, Божхона қўмитаси раиси бўлиб фаолият кўрсатгани ҳам буни исботлайди.

Ҳаммамизга маълумки, вилоятнинг биринчи раҳбари лавозими шу вилоятнинг ривожига, шу ҳудудда истиқомат қиладиган одамларнинг ҳаёти ва тақдирига бевосита таъсир ўтказди, шу боисдан ҳам бу вазифа инсондан жуда кўп ўзига хос хусусият ва фазилатларни талаб қилади.

Айтайлик, вазирлик лавозими баъзи бир нуқсонларни, енгил-елпи қарашларни кўтариши ҳам мумкин. Эҳтимол, бундай камчиликлар вазирлик вазифасида бирданига кўзга ташланмас.

Аммо вилоят ёки туман миқёсидаги биринчи раҳбарнинг фаолиятида бундай хунук ҳолатлар, аввало манманлик, одамларнинг фикрига беписанд қараш каби иллатлар дарров кўриниб қолади ва ўз-ўзидан ишнинг натижасига салбий таъсир ўтказиши.

Равшан Ҳайдаров вилоят ҳокими лавозимига ўтириши билан ишни илгари ўзи билан бирга ишлаган таниш-билишларини атрофига тўплашдан бошлаган, деди Президент.

Бундай одамлар илгари ички ишлар тизимида ишлаб, кейинчалик ўз вазифасидан четлатилган бўлишига қарамадан, Ҳайдаров уларни Тошкентдан Сирдарёга олиб келиб, ўз ҳомилигига олгани ҳар қандай одамни таажублантиради, албатта.

Умуман, кадрларни танлаш борасидаги бундай номақбул ёндашувни кўп мисолларда кўриш мумкин. Масалан, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган Ж.Шариповни олайлик.

Бу «чаққон» катта миқдордаги маблағ ва моддий бойликларни ўзлаштирган. Жумладан, нархи 15 миллион сўмлик трактор ва прицепни ўз ўғли Р.Шариповга тегишли «Ота орзу» фермер хўжалиги ҳисобига ҳеч қандай ҳужжатсиз ва пул ўтказмасдан бериб юборган.

Бу масала бўйича кўзгатирилган жиноий иш Р.Ҳайдаровнинг аралашуви билан «босди-босди» қилинган. Ҳозирда Ж.Шарипов устидан кўзгатирилган жиноий иш тергов натижасига кўра вилоят судига юборилган.

Вилоят ҳокими 2003 йилда «Ховосдон» акциядорлик жамияти раҳбари Ш.Холиқбердиевни ҳам ноқонуний йўллар билан жиноий жазодан асраб қолган. Холбуки, вилоят прокуратураси бу шахсни қўшиб ёзиш орқали ўғрилик қилишда айбдор деб топиб, унга нисбатан жиноий иш кўзгатирилган эди.

Яна бир собиқ раҳбар - «Сирдарё электр тармоқлари» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси А.Қўчқоров устидан ҳам 115 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги молиявий фирибгарлик ва катта ҳажмдаги моддий-товар бойликларни ўзлаштириш бўйича жиноий иш очилган эди. Лекин Ҳайдаров ўз вақтида ўринбосарлари орқали вилоят прокурорига босим ўтказиб, бу ишни ҳам ёптириб юбормоқчи бўлган.

Вилоят ҳокими эл-юртнинг ичига кириб бориш, унинг дарду ташвишлари билан яшаш, ҳар бир муаммони ўз жойида ўрганиш ва ҳал қилиш ўрнига асосий вақтини ярим кечагача чўзиладиган мажлислар, қуруқ ваъзхонлик каби номақбул ишлар билан ўтказган.

Лўнда қилиб айтганда, таъкидлади Юртбошимиз, у ўз фаолиятида эски замондан қолган маъмурий-буйруқбозлик усулларини афзал кўрган. Яъни, бугунги кун талабларини мутлақо тушунмасдан иш юритган.

Унинг фаолиятидаги яна бир хунук ҳолат шундан иборатки, ўз қўл остидаги раҳбар ва ходимларни ҳақорат қилиш, камситиш, уларнинг шахсиятига тегишли ўзи учун иш услугига айлантириб олганини қандай баҳолаш керак?

Бугун вилоятни бошқаришда ҳукм сураётган мана шундай хунук ҳолатлар ва мавжуд вазиятни инобатга олиб, зарур ҳулоса чиқариб олишимиз лозимлиги барчамиз учун аён бўлмоқда. Юқорида йўл қўйилган барча нуқсон ва хатоларни Р.Ҳайдаровнинг ўзи ҳам тан олиб, эгаллаб турган вазифасидан озод қилиш ҳақида ариза берган.

Шу масалани овозга қўйиш ва бу бўйича бугун тегишли қарор қабул қилишимиз керак.

Ҳозирги кунда Сирдарё вилоятининг оқсоқликка юз тутиб, ўз олдига қўйган режа ва мажбуриятларни бажармасдан, молиявий ва иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолгани ҳаммамизни, аввало шу ерда яшаётган ва фаолият кўрсатаётган оддий ишчидан тортиб катта раҳбарлик лавозимларида ўтирганларнинг барча-барчасини ташвишга солиши табиий.

Ана шундай вазиятга олиб келадиган сабаб ва омиллар ҳақида ўйлар эканмиз, булар орасида энг муҳими - ҳаммамизни боқадиган ернинг унум-

дорлиги йилдан-йилга пасайиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Сирдарё воҳасини ўзлаштириш даврида ҳал қилинмай қолган муаммоларни ечмасдан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан, шўрланишга қарши чора кўрмасдан туриб, олдимизда турган барча тўсиқларни бартараф қилолмаймиз, таъкидлади Юртбошимиз ушбу масалага тўхталиб.

Яъни, ерларнинг мелиоратив ҳолатини, ишдан чиққан вертикал ва горизонтал дренажларни, коллекторларни тартибга солмасдан, бу борадаги оғир муаммоларни ҳал қилмасдан туриб, бугунги вазиятдан чиқишни умуман тасаввур қилиш қийин. Токи ушбу масала ечилмас экан, деҳқонларимиз қандай фидокорона меҳнат қилмасин, қандай шижоат кўрсатмасин, бу ҳаракатлар қутилган натижага олиб келиши амримаҳол.

Бу муаммоларни ҳал қилиш учун ҳукуматимиз ва тегишли вазирликлар керакли маблағни ажратиши, Сирдарё аҳли бир ёқадан бош чиқариб, бутун куч ва имкониятларини шу мақсад йўлида сафарбар этиши бугунги кундаги энг долзарб вазифа бўлиб турибди.

Мана шу юртни ўз ватани деб биладиган, Сирдарё замини билан ғурур-ифтихор қиладиган одамлар бу масалани ўз қўлига олмас, шундай интилиш ва ғоя уларнинг қалби ва онгига кириб бормаса, барча ҳаракатларимиз самара бериши мушкул.

Албатта, бу ишларни ташкил қилиш учун ўз ҳаловатидан воз кечиб, бошқаларга ҳам тинчлик бермасдан, эл-юртни шунга сафарбар этиб, тинимсиз меҳнат қиладиган етакчи керак. Ва бу етакчи, ўйлайманки, шу соҳа бўйича мутахассис бўлиши лозим. Яъни, сув хўжалиги, ирригация ва мелиорация масалаларини, шу ишларнинг негизини чуқур биладиган, тажрибали, ўз касбини севадиган, вилоят аҳлининг орзу-умидлари ва ташвишларини юрак-юрагидан қабул қиладиган инсон бўлиши керак.

Мана шу талабларни эътиборга олган ҳолда, мамлакатимиз раҳбари Сирдарё вилояти ҳокими вазифасига ҳозирги пайтда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Абдурахим Жалоловни тавсия этади.

Сирдарё халқи азалдан қийинчиликларни сабот ва матонат билан енгиб келган меҳнаткаш, софдил, бағрикенг халқ. Мен Мирзачўл элининг изланувчанлиги ва ташаббускорлик фазилатларига, меҳнат ва ҳаёт тажрибасига ишонаман, деди Президент пировардида.

Бу халқ бир ишга бел боғлаб киришса, албатта охирига етказиши. Фақат унинг ишончини қозониш, кўнглига йўл топиш, эзгу мақсадларга сафарбар эта билиш лозим. Менда ҳеч қандай шубҳа йўқ: кўпни кўрган, ўта оғир ва мураккаб синовларда тобланиб, бу синовлардан шараф билан чиққан вилоят аҳли ўзига хос ва ўзига мос хусусият ва фазилатларига суяниб, бир ёқадан бош чиқариб, Сирдарёнинг шуҳрати ва обрў-эътиборини тиклаш борасида ўзини аямай меҳнат қилади.

Davra suhbatlari

Таълим тизимидаги ислохотларнинг натижаси ҳар бир мактабда ўз аксини топмас экан кўзланган мақсадга эришиб бўлмастлиги табиий. Zero, ана шундагина на қишлоқ ва шаҳар мактаблари ўртасидаги тафовут йўқолади. «2004—2009 йилларда мактаб

шу омил сабаб бўлди. Давра суҳбатини институт ректори Жўра Йўлдошев очар экан, ташкил этилган мазкур мулоқотнинг аҳамиятига алоҳида тўхталди. Зотан, институт ректори қайд этганидек, айнан мактаб раҳбарлари ислохотлар маъномоҳияти, ундаги ўзининг вазифаси хусусида аниқ ва тўлиқ тушунчага эга

Унинг гапига барча қулоқ тутган, ундан ҳар ишда маслаҳат сўраган. Шундай экан, мактаб жамоасининг бугунги ислохотлар мақсад-муддосини халққа етказишдаги ўрни алоҳида. Мактаб таълимидаги бугунги ислохотларнинг ҳақиқий маънода умуммиллий тус олиши ҳам шунга боғлиқ. Анчайин танқидий, му-

ФАОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

таълимни ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисидаги Президент фармонининг қабул қилиниши боиси ҳам шунда аслида. Бу жараён эса кўп жиҳатдан жойлардаги мактаб директорлари фаолияти, бугунги ислохотларнинг маъно-моҳиятини нечоғлик англаб етишига боғлиқ.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малақасини ошириш Марказий институтида шахсан республика Халқ таълими вазири ҳамда институт тингловчилари — мактаб раҳбарлари ўртасидаги давра суҳбатининг ташкил этилишига ҳам ана

бўлса, зиммасидаги масъулиятнинг залворини англаган ҳолда ишни ташкил этади. Бу эса, кўзланган натижага эришининг муҳим омилли.

Шундан сўнг сўз навбати республика Халқ таълими вазири Туробжон Жўраевга берилди.

— Мактаб директорлари таълимдаги бугунги ислохотларнинг асосий ижросисини, деди вазири ўз нутқида. — Шу боис унинг зиммасидаги масъулият катта. Агарда директор ўз вазифасига лоқайд бўлса, бирор натижага эришиш қийин. Аммо, афсуски, ана шундай раҳбарларимиз йўқ эмас. Мактаб раҳбари, ўқитувчи азалдан эл эътиборида бўлган.

нозараларга бой тарзда ўтган давра суҳбатида «2004—2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Президент фармони ва у асосда қабул қилинган ҳукумат қарорларининг ижроси таҳлил қилинди, дастлабки сарҳисоблар тилга олинди. Шунингдек, мулоқот чоғида келгусида амалга оширилиши назарда тутилган беш йўналишдаги ишларнинг қай тариха бориши хусусида берилган кўрсатмалар яна бир бор мактаб раҳбарларини қатъиятликка, фаолликка ундади.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Таълим соҳасида рўй бераётган улкан ўзгаришлар, хусусан, 2004—2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида амалга ошириладиган ва режалаштирилган вазифалар ҳар бир халқ таълими ходимининг касбий ва соҳага оид билимларини такомиллаштириб боришини тақозо этади. Таъкидлаш жоизки, бу борада оммавий ахборот воситаларининг, айниқса, ихтисослашган газета-журналларнинг аҳамияти катта. Чунки кўзланган мақсадга фақат замон талабларига жавоб берадиган, ўз фанининг билимдони ва касб маҳоратига эга бўлган устозларнинг самарали меҳнати натижасидагина эришиш мумкин.

Афсуски, Халқ таълими вазириликда ўтказилган раҳбар ходимларнинг аттестацияси жараёнида айрим туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирларининг таълим соҳасидаги ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор бўлмаганликлари, ўз билимларини мунтазам равишда бойитиб бормаганликлари аён бўлди. Ваҳоланки, Халқ таълими вазирилик муассислигидаги ўндан ортиқ газета ва журналлар саҳифаларида ҳар бир меъерий ҳужжат шарҳланиб борилмоқда. Юзлаб услубий тавсияномалар, соҳага оид янгиликлар, муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақида мақола ва хабарлар, умуман, кенг қамровли ахборот етказиш тизими шаклланди. Ушбу манбадан самарали фойдаланиш, шубҳасиз, таълим тараққиётининг асосий омилларидан биридир.

Шу нуқтаи назардан қараганда республика Халқ таълими вазирилик томонидан соҳадаги оммавий ахборот воситаларининг мазмун-моҳиятини янада такомиллаштириш, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида меҳнат қилаётган зи-

ёдиларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида «Матбуот кунлари» ташкил этилиб, бевосита бош муҳаррирлар иштирокида кенг кўламли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди, чекка ҳудудлардаги умумтаълим мактаблари аҳволи, оддий ўқитувчи ва педагогик жамоаларнинг муаммолари ўрганилди. Соҳадаги янгиликлар ҳақида фикр алмашув билан биргаликда 2004—2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини тарғиб этиш бўйича учрашувлар ўтказил-

услубий ахборотлар билан таъминланишига ижобий таъсир кўрсатади. Юқорида келтирилган таҳлиллар вилоятларнинг ўтган йилги кўрсаткичлари ва бу йилги бошқа вилоятлар натижаларига нисбатан белгиланган. Аммо бу миқдор янада чуқурроқ таҳлил этилса, умумий ўқитувчилар сонига нисбатан таққосланганда обуна сони камлик қилади.

2005 йил учун газета ва журналларга обуна бўлиш муддатининг якунланишига ҳам санокли кунлар қолмоқда. Лекин,

ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАС

ди. 2005 йил иш режаларига кўплаб тақлифлар олиниб, умумлаштирилмоқда.

«Матбуот кунлари» ўтказилишининг ижобий таъсири сифатида Фарғона, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 2005 йил учун оммавий нашрларга обуна бўлишининг ўтган йилдаги қараганда жадал суръатлар билан бораётганлигини таъкидлаш жоиз.

Айрим ҳолларда Фарғона вилоятида «Ma'rifat», «Учитель Узбекистана», Фарғона ва Жиззах вилоятида «Узлуксиз таълим», «Тил ва адабиёт таълими», Навоий вилоятида «Бошланғич таълим» ва «Таълим тараққиёти», Қашқадарё вилоятида «Преподавание языка и литературы», Қашқадарё вилоятида «Соғлом авлод учун» нашрларига обуна ишлари нисбатан юқори даражада. Албатта, бу соҳа ўқитувчиларининг ўз касбига оид

бу масалани уюшқоқлик билан ташкил этмаган, қишлоқ мактаблари кутубхоналари учун бюджетдан обуна бўлишни амалга оширишни охирига етказмаган вилоятлар ҳам борлиги ачинарлидир. Айниқса, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида ўнтагача номдаги нашрларга обуна (2004 йил 20 ноябрь ҳолатига) талаб даражасида эмас.

Жумладан, Сирдарё вилоятида «Ma'rifat» газетасига 157 дона (ҚҚР да 1820 та бўлгани ҳолда), «Учитель Узбекистана» газетасига 39 дона (Андижонда 1879 та), «Мактаб ва ҳаёт» журналга 18 та (Фарғонада 806 та), «Таълим тараққиёти» (Қашқадарёда 946 та) ва «Узлуксиз таълим» (Фарғонада 1549 та) журналларига 42 дондан; Самарқанд вилоятида «Ma'rifat» газетасига 400 та (Фарғонада — 2081 та), «Учитель Узбе-

ЯКУНИЙ НАТИЖА — ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004—2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармонида мактаб таълим тизимини тубдан яхшилаш муҳим вазифа сифатида кўйилган. Дастурдан келиб чиқилган вазифаларни удаллаш, хусусан, таълим мазмунини такомиллаштиришда пойтахтимизда жойлашган ЎзПФИТИ, Республика таълим маркази, Абдулла Авлоний номидаги ПҚТМОИ, Тошкент шаҳар ва вилояти ПҚТМОИлари олимлари, методистлари, ўқитувчиларининг ўрни бекиёс. Кеча Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида ўтказилган «Фанларни ўқитишнинг самарадорлиги ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг билим сифатини ошириш йўллари» мавзусидаги илмий семинарда ана шу фикрга алоҳида урғу берилди.

Илмий семинарни ЎзПФИТИ директори, профессор Рисбой Жўраев очар экан, узлуксиз таълим жараёни учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни мунтазам такомиллаштириш ва фантехника, ишлаб чиқариш талаблари асосида янгиликларни яратиш, дарс жараёнида ўқувчининг кўп қиррали фаолиятини таъминлаш масалаларига батафсил тўхталиб ўтди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлидинов иштирок этди ва «2004—2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ўқув фанлари самарадорлиги ва ўқувчилар билим сифатини оширишнинг таянч асоси сифатида» мавзусида маъруза қилди. У Президентимизнинг таълимни ривожлантиришга қаратилган қатор фармон ва фармойишлари, ҳукуматимиз қарорлари, шунингдек, айни кундаги долзарб вазифалар мазмун-моҳияти тўғрисида атрофлича фикр юритди, ўқитиш

сифати ва самарадорлигини ошириш долзарб вазифалигини алоҳида қайд этди.

ЎзПФИТИ директори муовини Ўткир Толипов, педагогика фанлари доктори, ЎзПФИТИ бўлим мудири Роҳатой Сафарова, шу институт катта илмий ходими Инна Стиркас ўқувчилар билим сифатини ошириш йўллари ва ўқитиш усуллари ҳамда бу борадаги мавжуд муаммолар хусусида гапирдилар.

Куннинг иккинчи ярмида иштирокчилар шўьбаларга бўлинган ҳолда баҳс-мунозараларга киришдилар. Шўьбаларда ЎзПФИТИ докторанти Шавкат Шариповнинг «Фанлар мазмунини интеграциялаш ўқувчилар ижодкорлик фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омилли сифатида» (1-шўьба), ТДПУ докторанти Муҳаббат Салаеванин «Миллий истиқлол ва

маънавият асослари дарслари самарадорлигини аждодларимиз меросини ўргатиш асосида ошириш» (2-шўьба), ЎзПФИТИ илмий ходими Марям Жуманиёзованин «Физика фанини ўқитиш ва дарс самарадорлигини ошириш омиллари» (3-шўьба) мавзусидаги чиқишлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Илмий семинарнинг ялпи йиғилиши ҳамда учала шўьбада қилинган маърузалар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар якунида қатор илмий тавсиялар баён этилди. Уларни бевосита амалиётга жорий этиш тўғрисида фикрлар билдирилди. Хуллас, мазкур семинардан келиб чиққан қатор хулосалар педагогик амалиётда ўз ечимини топгандагина фан асосларини ўқитиш самарадорлиги ортади, ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малақалари мустаҳкам дидактик бирлик сифатида намоён бўлади.

Курбонбой МАТКУРБОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Обуна — 2005

кистана» газетасига 112 та (ҚҚР да — 1471 та), «Мактаб ва ҳаёт» журналга 43 та (Жиззахда 624 та), «Таълим тараққиёти» журналга 204 та (Фарғонада — 975 та), «Узлуксиз таълим» журналга 148 та (Навоий вилоятида 613) обуна бўлинган.

Таъкидланган фикрларга асосан жойларда обуна ишларини муҳокамадан ўтказиш ва нашрларнинг ҳар бир ўрта умумтаълим мактабида бўлишини таъминлаш керак, Шунингдек, мактаб кутубхоналарида газета-журналларнинг сақланиши, улардан авайлаб фойдаланиш тартиб-қоидалари тўғри амалга ошириладиганлигини назоратдан ўтказиш мақсадга мувофиқ.

«Мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ўқув йили»да ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Аммо бу ўқувчиларнинг ўз нашрларига қай даражада обуна бўлишларига боғлиқдир.

«Халқ сўзи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Туркистон», «Жаҳон адабиёти», «Моҳият», «Шарқ юдузи», «Тараққур», «Ёшлик» каби севимли, ўз ўқувчилари маънавиятини бойитишга йўналтирилган, ўз қиёфасига эга нашрларга обуна бўлиш, шубҳасиз ўқитувчи ва ўқувчилар учун муҳим аҳамиятта молик.

Умумий ҳолатда 2005 йил учун оммавий ахборот воситаларига обуна бўлишининг бориши талаб даражасида эмас.

Халқ таълими вазирилик
Маънавий ва маърифий тарбия
бошқармаси

ВАТАН, МАКТАБ, УСТОЗ — АВЛОДЛАР АРДОҒИДА

ЧОРЛОВ

Илму маърифат ўчоги бўлмиш таълим масканларининг миллат, она-Ватан равнақи, унинг порлоқ истиқболлини яратишдаги ўрни бекиёс. Айниқса, мустақиллик йилларида ҳукуватимиз томонидан таълим тизими ислоҳотида энг долзарб, устувор масала сифатида қаралаётганлиги замирида ҳам айна мақсад-муддао ётганлиги сир эмас. «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»нинг муваффақиятли ҳаётга татбиқ этилаётганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Бугун ҳар бир ватандошимиз халқ, миллат, мактаб дарди билан яшай бошлади. Бу фарзанд камоли, юрт эртасига бефарқ бўлмаган инсонлар томонидан мактаб, унинг тараққиётига ҳисса қўшиши истагида кўрсатаётган ҳомийлик ёрдамларида кўринади. Бундай ташаббус, энг оддий мисол сифатида, мактаб битирувчи синфи ўқувчиларининг таълим маскани кутубхонаси захирасини тўлдириб мақсадида ўз ўқиган китобларини мактабдош укаларига совға сифатида қолдиришга истагида кўриш мумкин. Мактабга, устозларига, ўқувчи укаларига бўлган шу каби ҳурмат, эҳтиром ва эъзозни кўплаб келтириш мумкин. Қуни кеча ана шундай эзгу мақсадлардан бири пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 40-мақтаб (ҳозирги 328-мақтаб)ни бундан роса 35 йил аввало битирган собиқ битирувчиларни яна қадрдон мактаби кучоғига чорлаганида кўриш мумкин.

Ушбу учрашувнинг ўзига хос ибратли жиҳати борки, бу битирувчилардаги Ватан, мактаб, ўқитувчилар олдидаги қарздорлик ҳиссидир. Бу туйғу уларни бир мақсад — мактаб тараққиёти, баркамол авлод келажоғи учун имкон қадар ҳисса қўшиши истаги йўлида бирлаштирди. Собиқ битирувчилардаги бу истақ аслида, мазкур мактабга тамал тошини қўйган Абдулла Авлонийдан мерос, десак муболага бўлмайди. Зеро, айна қатагон, қаҳатчилик даврида мактаб очиб, эл фарзандини ўқитишга куч ба-

Мақтаб — муқаддас даргоҳ, у келажак бешиги. Зеро, эртанги кун умиди — фарзандларимизнинг камолот йўли айна мактаб оstonасидан бошланади. Бу ҳар қандай бўрттиришу муболагалардан холи гап. Зотан, айна мактаб фарзанд таълим-тарбияси, онгу шуурига энг муқаддас, энг буюк, энг беғубор тушунчаларни муҳрлайди. Истиқболга интилган халқ, давлат борки, уларнинг айнан мактаб, таълим даргоҳини тавоф айлашининг ҳикмати ҳам шунда. Улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий айтади: «Мақтаб — тараққиётнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур». Бу фикрга ҳамоҳанг тарзда яна бир маърифатпарвар бобомиз, улуғ педагог Абдулла Авлоний «Мақтаб ўқувни кўрсатур, Мақтаб ёзувни ўргатур, Мақтаб ўқудин уйготур, гайрат қилиб ўқинг, ўғлон!» дея башариятни илму маърифатга чорлайди. Бунга кўҳна тарихнинг хоҳлаган саҳифасидан мисол келтириш қийин эмас.

ҳукуват томонидан рухсат берилиб, менга рухсат олмоқ учун 3 йил овора бўлмоққа тўғри келди».

Албатта, ушбу сўзлар бугунги мактаб ўқувчисини ўйлашга, фикрлашга, шу билан бирга фахрланишга ундаши табиий. А.Авлоний ҳовлисида очилган мактаб ўз фаолиятини дастлаб уч нафар ўқувчи билан бошлаган бўлиб, машғулотларни устознинг ўзлари олиб борган. Кейинчалик вақт ўтиши билан ўқувчилар сони кўпайиб борган, мактабга яна бир ўқитувчи — Миржалол ота Каримов ҳам жалб этилиб, машғулотлар жадвали кенгайтирилган.

Бугун тарихнинг ушбу ҳақиқатини мактабнинг барча ўқувчилари ёд билади. Аммо қарийб 85 йил давомида ушбу мактабнинг илк пойдевори айнан Абдулла Авлоний томонидан қўйилганлиги фақат санокли одамларгагина маълум эди, холос. Маърифатпарвар бобомизнинг элни маърифат орқали истиқболга эриштириш, ўз ҳақ-ҳуқуқини англатиш мақсади собиқ шўролар тузумининг сиёсатига тўғри келмади. Натижада тарихнинг айна зарвараклари ўчириб ташланди. Бунга бугунги кунда ҳам мактабда сақланаётган тарихий альбом шохдат беради. Унда ёзилишича, «Мақтабимиз 1919 йилда халқ хизматини ўташ ва халқ маданиятини юксалтиришга берилган маърифатпарвар Миржалол Каримов ташаббуси ва зўр гайрати билан у кишининг ҳовлисида 13 ўқувчи, битта ўқитувчи битта группа бўлиб ташкил қилинган» деган сўзларни ўқиймиз. Демак, роса 11 йиллик тарих неча йиллар давомида халқ, миллат назаридан яшириб келинган. Аммо шуниси эътиборлики, ҳар қандай тазйиқларга қарамай, мактаб жамоаси улуғ маърифат-

парвар Абдулла Авлоний васиятидан юз ўғирмаган. Бу мактабнинг тарихий альбомида битилган куйидаги жумлаларда яққол ўз ифодасини топган. «Миллий республиканинг маданий қурилиш ишларида, илм-маърифатни юксалтиришда ва ерли қадрлар етказиб чиқаришда мактаблар муҳим ўрин тутди».

Дарвоқе, мактабдаги таълим-тарбия ишларининг бир муштарак мақсад — комил фарзанд, етук мутахассис тайёрлашга қаратилганлиги боис таълим

маскани ўқувчилари тез орада улкан муваффақиятларга эриша бошладилар. Шу кунга қадар қанчадан-қанча фарзандлар бу таълим муассасасида тарбия топди. Уларнинг юртимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси эса салмоқлидир. 40-мақтаб ҳанузгача ўз номи, ўз мавқеига эга бўлиб келаётган илғор таълим даргоҳи ҳисобланади.

Tashabbus



35 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ УЧРАШУВ

Мазкур мактабни битирган собиқ ўқувчиларнинг орадан роса 35 йил ўтиб, қадрдон маскан кучоғига чорлаган нарса ҳам унинг қайноқ тафти, ўша энг буюк ва беғубор туйғулар эканлиги маълум. Собиқ битирувчиларда бу кун устозлари меҳнатига ўз миннатдорчиликлари, қарздорликларини ўзига хос тарзда билдириш баробарида айна дамда эл-юрт истиқболига камарбаста бўлаётган синфдош дўстлари билан ҳам дийдорлашиш ва шу билан бирга барча битирувчиларни қадрдон маскани янада гуллаб-яшнатишга чорлаш эканлиги қувонарлидир.

Мана, улар мактаб оstonасида. Ҳаяжонли дақиқалар... Бундай лаҳзаларда ўша беғубор болалик, илк бор мактаб оstonасини ҳатлаган онлар ёдга тушиши муқаррар.

Синфдошларнинг эса... **Сиз ўшамисиз?** — дея бир-бири билан кучоқ очиб, тўйиб-тўйиб кўришиши, фикрлашиши, ўтган қувончли болалик кунларини эслашиши — барчада ҳавас уйғотди.

... Қаранг-а, шунча йил ўтибди? Бу савол қаршида барча жим. Собиқ битирувчилар онгу шуурини эгаллаган ушбу саволнинг акс-садоси юзларда зоҳир. Мактаб фойеидаги «Ватан, мактаб, устоз — авлодлар ардоғида» шиори остидаги синфдош дўстларнинг ўқитувчилари билан

тушган «Сўнги кўнғирок»даги сурати эса яна саволлардан занжир тўқийди. Хўш, устозларнинг ишончини оқладикми? Эл-юрт биздан розими?..

Очиги, ушбу саволларга устозлар юзида балққан шукроналикдан, севинч кўз ёшларидан жавоб топгандек бўлди. Зеро, уларнинг қалби таскин топган. «Демак, меҳнатим, умрим беҳуда кетмабди. Шогирдларим эл-юрт хизматида, улардан бир умр миннатдорман».

Устозлар олдидаги қарздорлик ҳисси шогирдни ҳам ўртайди.

— Устоз, сизга минг раҳмат! Берган таълим-тарбиянгиз, сабогингиз учун қарздор-миз.

— Сиздан розиман, мартабангиз бундан ҳам улуғ бўлсин.

Бу шу кун айтилган энг қадрли, энг самимий ва энг кўп сўзлар бўлди, десак муболага бўлмайди. Зотан, қалбадаги ҳапқирган ҳаяжондан бошқа сўз топилмайди.

... Сиймоингиз олдида ҳамиша таъзимдаимиз, устоз!

ТАШАББУС, ҚАНОТИНГИ ЭЗ!

Ўзбек халқининг тўйга тўёна билан бориш одати бор. Шу ўринда битирувчилар холисона тухфа — мактабга ҳомийлик сифатида ўз ҳадяси билан келганлигини таъкидлаш жоиз. Кимдир битта синф компьютер мажмуасини мактаб ўқувчиларига ҳадя қилган бўлса, яна қайсидир бир гуруҳ синфдошлар жами 11 та шахсий компьютер совға қилишди, кимдир 2 миллион сўм ўтказиш учун мактаб ҳисоб рақамини сўраган бўлса, яна кимдир спорт майдончасини таъмирлаб берди. Яна бири мактаб кутубхона захирасини энг сўнги чиққан адабиётлар билан бойитиш мақсадида, бошқаси эса кейинги ўқув йилида мактабнинг иситиш тизимини янгилаш ниятидалигини билдираётган бўлса, яна кимдир мактабни интернет тармоғига улаб бермоқчи...

Очиги, қайси собиқ ўқувчи ўз мактабига қандай ҳадя билан келганлигини айтишга ожизмиз. Бинобарин, уларнинг қай биридан ўз мактабингизга, ўқувчиларга нима ҳадя қилдингиз, деб сўраманг, барча бирдек «Ўз қадрдон мактабимиз, устозлар, Ватан олдида ҳамиша қарздоримиз. Мактабга устозларимиздан олган — ўша беғубор ва буюк туйғу билан келдик», дейишади.

— Мактаб — миллатнинг юзи. Ўқувчи эса — унинг ор-номуси

бўлади, — дейди биз билан суҳбатда мактабнинг собиқ битирувчиси, ҳозирда ДП «Марказшароб-савдо» раҳбари Латиф Алимжонов. — Шу боис халқимиз чехрасининг ёруғ, гурурининг баланд бўлиши учун биз синфдошларимиз билан келишиб, энг аввало мактаб ривожини, ўқувчи ўғил-қизларнинг баркамол улғайишига имкон қадар ҳисса қўшишни мақсад қилдик.

Ўқитувчи-мураббийлар Ҳамида Бекмуҳамедова ва Ҳабибулло Зоиров давлатимиз томонидан таълим тизимига ва бевосита мактаб бошқичига кўрсатилаётган бекиёс эътиборни, моддий ва маънавий рағбатлантиришни таъкидлаган ҳолда, ушбу ташаббус — битирувчиларнинг ташаббуси мактаб миқёсига амалга оширилаётган ислоҳотларни, яъни комил инсон тарбиясини умуммиллий ишга айлантириш лозимлиги ҳақида фикр билдиришди. Зеро, фарзанд тарбияси ҳар доим умумий вазифа ҳисобланган ва шундай бўлиб қолмоғи зарур. Бу ишга ҳеч ким бефарқ бўлиши керак эмас. Фақат ва фақат шундагина биз олдимизга қўйган мақсад — баркамол авлодни вояга етказишга эришамиз.

Таъкидлаш жоизки, собиқ битирувчиларнинг мактабга ҳиммати устозларига ҳурмати йигилишда қатнашган ва айна кунда юқори синфда таҳсил олаётган ўқувчиларининг ҳам қалбига яна бир эзгу туйғунини муҳрлади.

— Ўқувчиларимизнинг бу ташаббуси нафақат мана шу мактаб, балки бутун юртимиз фуқароларини эзгу-мақсад — Ватан тараққиётига ҳисса қўшишга давват қилмоқда, десам муболагага йўйманг, — дейди бугунги собиқ ўқувчиларга физика-математикадан сабоқ берган устоз, педагогика фанлари доктори, профессор Эргаш Чориев. — Зеро, бир қарашда Ватан оstonаси мактабдан бошланади.

Дарҳақиқат, собиқ битирувчилар ўзларининг бу ташаббусларини катта умид билан «Ватан, мактаб, устоз — авлодлар ардоғида» деб номлашди. Унинг кенг қанот ёйиши эса ҳар биримизнинг ақл-идрокимиз, виждонимиз, фарзандларимизга бўлган



эътиборимизга боғлиқ. Бу, албатта, ҳар бир фуқаронинг гурури, эртанги кунга ишончи, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигига қўшадиған ҳиссасини англаб етишида амалга ошади.

Ўйлаймики, кўтарилган бу ташаббус юртнинг ҳар бир фарзандини бефарқ қолдирмайди. Ташаббус — қанот ёзади.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

Абдул Фани ЖУМА олган суратлар.



ғишлаган туйғу ҳам ана шу — қарздорлик ҳисси бўлган бўлса ажаб эмас...

ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг таржимаи ҳолига назар ташласак, куйидаги маълумотни ўқиймиз: «... 1908 йилда (яна) Мирободда «усули ҳадид» мактаби очиб, муаллимлик қила бошладим. Шул замонда Тошкентда очилмиш 9 «усули ҳадид» мактабининг саккизига

Хар бир суверен давлатнинг ҳуқуқий асосларидан бири — унинг асосий Қонуни — Конституцияси ҳисобланади. Конституция — халқ иродасини ифодаловчи, давлат тузилиши ва бошқарув шакли асосларини мустақамловчи, ҳокимият идоралари фаолиятининг ташкил этилиши тартиби ва принципларини белгиловчи асосий қонун.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига Президент Исом Каримов шундай таъриф берган:

"Бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, гоҳисига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда "фуқаро-жамият-давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг дунёга келишига асосан иккита омил сабаб бўлди.

Шулардан бири, жамиятнинг бозор муносабатлари томон тут-

ган йўли. Конституция ва қонунларни қайта кўриб чиқмасдан туриб, бозор иқтисодига ўтишни амалга ошириб бўлмасди.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилинганлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо этган иккинчи омил бўлди.

Янги Конституцияни ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги гоҳ XII қақриқ Олий Кенгаши-

қилинди. Бу республика тарихидаги буюқ воқеа бўлди. Конституция умуминсоний ва миллий ажралмас бирликни, дунёнинг ривожланган қонунчилик тажрибасини ўз ичига олган ҳамда жамиятимизда бўлиб ўтган туб сифат ўзгаришларини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қуйидаги асосий қадриятларни мустақамлайди: мустақил, онгли, эр-

умуминсоний қадриятларига содиқлиги, унда инсон ҳуқуқлари нечоғлик ҳимояга олинганлиги билан ўлчаш одат бўлиб қолган.

Конституцияда мустақамлаб қўйилган қоидаларни демократия тошу тарозисида тортиб кўриб, ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси дунёдаги энг демократик конституциялардан биридир.

гиланган йўлдан боришига тайёр эканлиги ва бунга қатъий қарор қилганлигидан, ҳаётий йўналишлари пухта ҳисоб-китоб қилиб чиқилганлигидан гувоҳлик беради

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қонунчилик фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, демократик ислохотларнинг орта қайтмаслиги учун ҳуқуқий шароитлар яратади, мустақил давлатимизнинг тенг ҳуқуқли аъзо сифатида дунё ҳамжамиятига кириш учун ҳуқуқий асос, пойдевор яратади.

Конституция ҳуқуқнинг энг олий шакли бўлиб, у давлатчилик белгисидир.

Конституциямиз ягона гоҳ, мантик, ўзак йўналиш билан йўғрилган яхлит, буткул бир ҳужжат ҳисобланади. У, лўнда, ифодали аниқ жумлалари билан аввалгиларидан фарқ қиладди. Буларнинг ҳаммаси Конституцияни эсда қоладиган, тушунарли ҳужжатга айлантиради.

С.ЗОИРОВА,
Тошкент давлат юридик институт талабаси

ХАЛҚ ИРОДАСИ ИФОДАЧИСИ

нинг 1990 йил мартада бўлиб ўтган биринчи сессиясида айтилганлиги.

Ўзбекистон Республикаси XII қақриқ Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистон давлатининг Конституцияси қабул

кин шахс, ўзини-ўзи бошқаришга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга асосланган фуқаролик жамияти, суверен, демократик ва ҳуқуқий давлат.

Бош Қонуннинг моҳиятини унинг нормалари ва тартиб-қоидалари, Конституциясининг

Конституция, асосий Қонун шаклида ҳаётда вужудга келадиган кўпгина саволларга жавоб беради. Конституция, шўнингдек, давлатнинг ойдин, аниқ-равшан, муайян дастури мавжудлигидан, унинг аниқ бел-

"Пойтахт" меҳмонхонасида "Ўзбекистонда таълим ва ўқитиш соҳасида ижтимоий ҳамкорлик" лойиҳаси

фаолиятига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда мазкур лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар, мақсад ва вазифалар тўғрисида атрофлича ахборот берилди. ЎМКХТ Маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Европа Иттифоқи комиссиясининг техникавий ёрдамани мувофиқлаштириш бюроси, Европа Уйи ҳамда Европа Иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур конференцияда шўнингдек, таълим со-

Tadbir

ференцияда ана шу таълим муассасаларининг раҳбарлари ҳам қатнашиб, ижтимоий ҳамкорлар билан олиб борилаётган тажрибавий ишлар хусусида гапириб ўтишди.

Анжуманда Европа ёрдами ҳамкорлик идорасидан лойиҳа менежери, жаноб Ж.Сильва Родригес иштирок этди. Шўнингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, республика Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, Савдо

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК

ҳасидаги ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий тадбирлар ўтказиш ва уни қўллаб-қувватлаш, ЎМКХТ тизимида фаолият кўрсатаётган чет эл лойиҳаларининг ижтимоий ҳамкорлик алоқалари ва тажрибалари билан ҳам ўртоқлашилди.

Маълумки, жорий йилнинг май ойида ЎМКХТ тизимида Европа Иттифоқи кўмагидаги ушбу лойиҳа ўз фаолиятини бошлаган эди. Бўнинг учун республикамизнинг 4 та вилояти ва Тошкент шаҳридан 8 та касб-хунар коллежлари танлаб олинганлиги. Кон-

ва саноат палатаси, Европа Уйи, чет эл элчи-хоналари вакиллари, ЎМКХТ тизимида фаолият кўрсатаётган хорижий лойиҳалар раҳбарлари қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференция натижалари мамлакатимиз тараққиёти йўлида, янги иқтисодий ва ижтимоий муҳитда фаолият кўрсатувчи юқори ма-лакали касб-хунарга эга бўлган ёшларни тарбиялашга хизмат қилишига умид боғланди.

Гофур ЖАБИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 октябрдаги 622-фармойишига асосан, 10 ноябрдан 10 декабргача республикамизда "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда. Маълумки, қиш фаслида фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи ортиши ёнғин хавфи ҳам кескин ошишига сабаб бўлади. Фармойишда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий


Куни кеча ана шу қоидаларни ёшларга тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Миллий Университети журналистика факультетида Яққасарой тумани ИИБ ЁХБ инспекторлари, катта лейтенант Даврон Қодиров ва Нодир Усмоновлар бошчилигида тадбир бўлиб ўтди. Учрашувда улар ёнғин ва унинг

«ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН»

мақсад халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кўчатириш орқали ёнғинларнинг олдини олиш, улар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларни кескин қисқартириш ҳамда фуқаролар орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этишдан иборатдир.

олдини олиш сабаблари ҳақида талабаларга кенг маълумот бердилар. Бундай тадбирлар республикамиздаги барча таълим муассасаларида бўлиб ўтмоқда. Республика ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси барча фуқароларни ушбу тадбирда фаол иштирок этишга қақриб қолади.

Зевара АХМЕДОВА,
ЎЗМУ талабаси



Хатирчи туманида жойлашган Агросервис касб-хунар коллежида таълим-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилган. Ушбу масканда ўқувчиларга яхши шароит яратиш мақсадида компьютер хоналари кичик тикувчилик цехи толиби илмлар хизматида. Информатика фани ўқитувчиси Абулқосим Ҳукумов ва тикувчилик амалиёти ўқитувчиси Мавжуда Хидирова ўғил-қизларга билим ва хунар сирларини ўргатиб келишмоқда.

Аҳмаджон ЭЛМУРОДОВ олган суратлар.



Болалигимдан ойнаи жаҳонда доирачиларнинг концертлари, танловлардаги чиқишларини бериб қолишса, жойимдан жилмай томоша қилардим. Айниқса, каттаю кичик болаларнинг "Ҳа-ҳа" деб ҳайқирганларича, бир-бирини қўллаб-қувватлаган ҳолда, доирани маромига етказиб чалишлари мени мафтун этарди. Давра олиб турган болалар ўртасидан эса жилмайганча устози чиқиб келарди ва доира садоларига жўр бўларди. Шу манзара хотирамда муҳрланиб қолганлиги боисми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Республика ўқувчилар саройи директори Элмурод Исломовнинг ижодига ихлосим билан эди. Мана йиллар ўтиб, касбим тақозоси билан шу азиз инсон билан учрашиш, санъат, ижод, мактабдан ташқари таълим-тарбия ишлари борасида суҳбатлашиш насиб этди. Куйида ана шу суҳбат билан танишасиз.



воқеа менга катта зарба бўлиб туюлган. Биласиз, кичик ёшдаги болаларнинг кўнгли нозик, таъсирчан бўлади. Шундай қилиб, 1-синфда ўқиш билан бир қаторда саройга устозимиз Тўйчи Иноғомов қўлларига келиб, сабоқ ола бошлаганман.

— Саройдаги доира-

Элмурод ИСЛОМОВ:

ЎҚУВЧИНИГИЗНИ ФАРЗАНДИНИГИЗДЕК ЯХШИ КЎРИНГ!

чилар дастаси машгулотларига сизни ким олиб борган? Ёки ён-рофдаги ўртоқларингиздан эшитиб келаверганмисиз?

— Йўқ. Хонадонимизда Дилмурод акам доира чалардилар. Уларга қизиқиб, Холмурод акам ва мен ҳам тарақлатиб юрардик. Кичкина бўлганимиз учун мени ҳам тўғарақларига етаклаб кетишарди. Ўзи ўша пайтда маҳалламиздан жуда кўпчилик болалар доира тўғарагига қатнаган. Доира чалувчилар кўп бўлганлиги учун бўлса керак, биз яшайдиган жойни «Доирачилар маҳалласи» деб ҳам аташарди. Машгулотларга асосан дарсдан кейин борардик. Биринчи синфдан то олтинчи синфгача жуда аълочи бола бўлганман. Доирачилар тўғарагидаги машгулотлардан ташқари мактабдаги тўғарақларга ҳам қатнашардим. Кейин еттинчи синфга ўтиб, кўлларим анча доирага ўрганиб қолгандан сўнг дастанинг яхши чалувчилари сифатида бошқа давлатларга танловлар, гастролларга қатнаша бошладим. Шу-шу узлуксиз тадбирлар натижасида дарсларга ўз вақтида қатнаша олмаганман. Ўқишим ҳам сусайиб кетган.

— Ўқитувчиларингиз бунга қандай қарашган?

— Устозларимиздан гап эшитмаслик учун иложи

борича, ўзлаштиришга ҳаракат қилардим. Лекин, ўша пайтларда мактабимизнинг фахри бўлиб қолувдик. Мактаб, туман, шаҳар миқёсидаги ҳар қанақа байрам, тадбирлар биз — доирачиларсиз ўтмас эди. Фахрий ёрликлар кўтариб келардик. Шунинг учун бўлса керак, унақа қаттиқ уришиганини эслолмайман.

Юқоридаги саволингизга жавоб берадиган бўлсам, санъат соҳасидаги биринчи устозим сифатида ҳар доим акам Дилмурод Исломовни эътироф этаман. Чунки уларнинг доира чалишига қараб, менда ҳам қизиқиш уйғонган. Аслида мен жуда кўп устоз кўрганман. Айниқса, кўшиқчилар, ҳофизлардан устозларим бисёр. Манманликка йўйманг-ку, битта яхши одатим бор. Ўзимдан икки ёш катта санъаткорни ҳам берган фикри, насиҳатини охиригача тинглайман. Кейин ўша берилган маслаҳатнинг керагини олиб қола-

— Олдинга уларга доира чалдириб кўраман, боланинг ўзида озгина қобилияти бўлса дарров билинади. Санъатни тушунган одам боладаги қобилиятни ҳам дарров кўра олади. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Мен раҳбарлик қилгандан кейин устознинг аънанасидан озроқ чекинган ҳолда қобилияти унчалик бўлмаса-да, қизиқиши бўлган болаларни ҳам дастага қабул қилдим. Чунки ўша пайтлари доира тўғарагида 40-50 нафар бола бор эди. Бу болалар шунча доирачиларнинг ичида, уларнинг завқ-шавқини кўриб ҳам ўрганишга киришиб кетганини сезмай қолишарди. Лекин устоз астойдил меҳнат қилса, ҳамма боладан ҳам нимадир чиқариши мумкин. Чунки ҳеч бир бола қобилиятсиз бўлмайди. Фақат қизиқтириш, интилишга ўргатиш зарур. Бошида болаларни ана шундай танлаган бўлсам, кей-



қалар миллий чолғу асбобларимизнинг барҳаётлигига салбий таъсир кўрсатмайдими? Баъзилар эътироф этаётганидек, бунга замон сабабчими?

— Инсон ҳеч қачон замондан нолимаслиги керак. Замон эмас, одамларнинг ўзлари ўзгариб кетишарди. Техниканинг ривожланиши яхши, бироқ ўша синтизаторларни чалаётган укаларимизнинг ўзлари бир ўйлаб кўриши керак. Улар меҳнатнинг осонини топгани билан миллий санъатимиздан йироқлашиб борадилар. Буям майли, озарбойжон, турк, хинд чолғу асбобларидан мусиқаларда фойдаланишмоқда. Ўзимизнинг доирада, танбур, ноғора, карнайда ҳам чалса бўлади шуларни. Булар фақат озгина меҳнатдан қочиб, шу йўлни танлашади. Бу ҳақда матбуотда, телевидениеда кўп айтилмоқда. Бироқ ҳали ҳам шу аҳвол давом этмоқда. Бунинг ҳам ўз вақти-соати бор. Халқимиз барибир сара, миллий мусиқамизни ўзига олиб қолади.

— Ўқувчилар саройига раҳбарлик қилаётганингизга ҳам уч йил тўлибди. Бу борада олиб борилаётган ишлар, умуман жамоангиз фаолиятига тўхталиб ўтсангиз.

— Бугунги кунда Республика ўқувчилар саройида фаолият кўрсатаётган 239 та тўғарақларда 3,5 минг нафардан кўп болалар шугулланишади. Республика бўйича эса ярим миллионга яқин ўқувчилар ана шу касбхуна тўғарақларига жалб этилган. Бизнинг мақсадимиз болаларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, уларнинг келажакда комил инсон бўлиб етишишига ҳисса қўшишдир.

— «Маърифат» газетаси мухлислари— устоз-мураббийларга тилакларингиз...

— Аввало, ўзим ҳам устоз бўлганлигим учун бир нарсани таъкидламоқчиман. Машаққатли, серзаҳмат бу касб эгаларининг вазифалари ниҳоятда масъулиятли. Шундай экан, ўқитувчилар ўзларига ишониб топширилган болаларни ўз фарзандларидек яхши кўришса, ўқишга қизиқиш ҳам, аҳвол ҳам ўзгаради. Мисол учун ўзим ҳам фарзандим мактабдан эрта келиб қолса, «устозимиз келмади, дарс бўлмади» деса, ич-ичимдан хафа бўламан. Бола ўқитувчиси йўқлигига хурсанд бўлиши мумкин, бироқ, муаллим «бир соатлик умри бекор ўтди-я, шу боланинг» деб ўйлаши лозим.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Назокат ХОЛМЕТОВА

суҳбатлашди.

ман, холос. Ўргатманг, деб юзига сакрамайман. Р.Хўжаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ф.Азимов, А.Ахроров, М.Азимов, Т.Аъзамов каби устозларнинг биз каби шогирдлари жуда кўп бўлган.

— Доира чалишни, унинг сирларини мукамал ўрганган шогирдингиз дейлик, мактабни тугатди...

— Болалар бу тўғарақларга мактабдан ташқари келиб қатнашишади. Доирани ўрганган бола мактабни тугатгач, ўзининг ихтисослиги бўйича ўз хоҳишига қараб, ҳужжатларини Маданият институтига ёки Консерваторияга топшириши мумкин. Бошқа соҳа кишиси бўлиб кетган тақдирда ҳам доирани чалишни билади, демакки, санъатни тушунади. Қалбида санъатга ихлоси бор инсон ҳар доим олдинга интилади, орзу-умидлари, нияти покиза бўлади. Ўзим ҳам мактабни битириб, «Баҳор» ансамблида ишлай бошлаганман. Шу билан бирга 1981 йили сиртдан Маданият институтига ўқишга кирганман. Шу йили устозимиз Т.Иноғомовнинг соғлиқлари яхши бўлмагач, доирачилар дастасига раҳбарлик қила бошлаганман.

— Доирачилик тўғарагига келган болаларни қандай танлаб олгансиз? Ота-оналари хоҳиши билан келганлар ҳам бўлади-ку?

инчалик доирачи болаларнинг ютуқларини, доврғини кўриб, ўз-ўзидан ҳаваскорлар ҳам кўпайиб кетди.

— Элмурод ака, сахнада доирачи болаларнинг чиқишларини кўрсам, улар кулиб туриш билан бирга, ҳайқириб, бир-бирини қўллаб туришади. Бу уларга махсус ўргатиладими ёки табиий пайдо бўладиган ҳолатми?

— Ана энди бунинг сабабини айтиш, сахнага чиққан ҳар бир чолғучи табиий чалса, завқу шавқдан ўзининг бақирганини ҳам билмай қолади. Табиий чалганингиздан кейин катта куч керак, кучни ишлатаётиб юзингизда ўзгариш пайдо бўлади. Ана шу ўзгаришни сездирмаслик учун кулиб тураман. Кучингиз етганича ўз иқтидорингизни кўрсатасиз, ўзингизга ишонасиз. «Ҳа, ол, ҳа, бос» деб бирор нарсанга кучимиз етмаса, қўллаб-қувватлаш учун айтмамиз-ку, буям худди шундай. Шу учун биттаси авжини чалиб бўлгач, кейингиси чиқади. Яна ичингиздан куч чиққандан кейин билмаган ҳолда бақириб юборасиз, бизку сахнадагилар, кўпинча томошабинлар завқини яширолмай, ҳайқириб юборадилар.

— Бугунги кунда замонавий мусиқа асбоблари, компьютер ёрдамида чалинаётган муси-

Бу «айб» ўқувчилик даврида кўпчиликда бўлган. Қаршилиқ кўрсатишга шошилмай туринг. Яхшилаб ўйлаб кўринг, барибир, дарсдан қочган пайтингиз бўлган. Ҳеч бўлмаса бир бора.

Бугун бу «айб», яъни дарсдан қочиш ўқувчилар орасида одатий «анъана»га айланиб қолган, шеклилли, бутун синф ўқувчиларининг дарсдан қочишига нима дейсиз?

Демак, ўқув юртлиридаги яна бир муаммо: ўқувчи нега дарсдан қочади?

Дарсдан қочиш «режа»ларини ишлаб чиқувчи ҳам, уни амалга оширувчи ҳам ўқувчиларнинг ўзлари бўлгани боис, дастлаб уларга муурожаат қиламиз.

— Одатда, тенгдошларим компьютер ўйинлари ёки теннис

эмас, — дейди Сирғали туманидаги 266-мактаб ўқитувчиси **Б.Хўжаев**. — Биз уларни тушуна олишимиз керак. Бола дарсдан қочар экан, демак, айб биз ўқитувчиларда. Уни дарсга қизиқтира олмаемиз. Эйтибор берилса, ўқувчининг дарсдан қочиши жуда кўп томонлама ўқитувчига боғлиқлигини билиш мумкин. Шундай экан, ҳурматли устозларимиз бунга алоҳида масъулият билан қарашлари лозим.

Фикрлар бир ёқлама бўлиб қолмасин, деган мақсадда яна кўпгина ўқувчиларга шу савол билан муурожаат қилиб кўрдик: «**Нега дарсдан қочасиз?**»

Мана, жавоблар:
— Олтинчи соатга қолгим келмайди.

Muammo

ҳисобга олмаганда) бўларди.

Биринчиси шундай қизиқарли дарс ўтардики! Ҳаммамиз баҳо олардик. Дарс жараёнидаги ақлни чархлайдиган ўйинлар, қизиқарли топишмоқлар, савол-жавоблар... Ўрни келганда, ибратли ҳикоятларни ҳам айтиб берардик. Нима қилиб бўлса-да, ўша домланинг дарсида иштирок этишга ҳаракат қилардик...

Кейинги ўқитувчимиз эса, анча жиддий, қаттиққўл эди. Паст ўзлаштирувчи, ҳулки ёмон ўқувчиларни аяб ўтирмасди. Дарсга ким келди, ким келмади — ҳаммани бирма-бир йўқлама қиларди. Дарс қолдирганларга чора кўриларди. Икки-уч марта дарс

НЕГА ДАРСДАН ҚОЧАСИЗ?

ўйнаш мақсадида дарсдан кетиб қолишади, — дейди бир ўқувчи. — Ёш ёки янги ўқитувчининг ё бўлмаса дарсни зерикарли тарзда ўтадиган домлаларнинг дарсларидан қочишади. Ўзим бундай қилмасликка ҳаракат қиламан. Синф сардори бўлганлигим учун масъулият менинг зиммамда. Лекин, баъзан ўзим ҳам дарсдан қочаман. Асосан, зерикарли дарслардан...

— Менимча, зерикарли фаннинг ўзи йўқ, — деб эътироз билдиради яна бири. — Ҳар қандай дарсни ҳам қизиқарли тарзда, ўқувчини жалб эта оладиган қилиб ўтса бўлади. Ўйлайманки, ўшанда дарсдан қочишлар камаяди.

Билсангиз керак, мактабларда дарсдан қочадиган ўқувчиларга нисбатан ёмон муносабатда бўлишади. Бу ҳол кўп бора такорланса, чора ҳам кўришади. Буни қарангки, «қочоқ»ларни тушунадиган ўқитувчилар ҳам бор экан.

— Аслида, улар ёмон болалар

— Янги ўқитувчининг дарси. У бизни унча яхши танимади.

— Жуда зерикарли дарсларда ўтиргандан кўра, бошқа ишларимни битирганим афзал.

— Ўқитувчи қаттиққўл эмас... Деярли бир хил жавоблар. Ўқувчилар ўзларини умуман айбдор деб ҳисоблашмаяпти ҳам.

Ҳозир биз учун ҳам ким айбдор эканлигини аниқлаш шарт эмас. Энг муҳими, ҳамма ўқувчиларнинг дарсда иштирок этишини таъминлаш. «Куён расмини чизиш»нинг олдини олиш (қанийди, бу «одат»ни бутунлай йўқ қилиб бўлса).

Мен ўқувчилик пайтимда бизга дарс берган иккита ўқитувчимни жуда яхши эслайман. Уларнинг дарс ўтиш жараёни ҳам, феъл-атвори ҳам умуман бирибирига ўхшамасди. Бири ўта мулоим, бири эса, қаттиққўл ва талабчан эди. Биз фақат шу иккала домланинг дарсидангина қочмасдик. Давомат — 100 фоиз (баъзан узрли сабаблар билан дарсга кела олмади қолганларни

қолдирган ўқувчининг «аъло» баҳо олиши гумон эди. Шунинг учун кўпинча унинг дарсларида ҳамма қатнашарди...

Ҳа, дарсдан қочишнинг олдини олиш мумкин. Ҳар нарсанинг йўлини топса бўлади. Бизнингча, биринчи ўқитувчининг тутган йўли жуда тўғри. Иккинчисиники эса, ҳеч кимга тавсия эта олмаемиз.

Дарвоқе, фикримиз сўнггида ўқувчиларнинг таклифларини айтиб ўтмоқчи эдик. Улар таклиф этишдики:

— Ўзлаштирилиши қийин бўлган дарслар биринчи соатга қўйилиши керак;

— дарслар «қуруқ» ўтилмасин;

— дарсда ҳар бир ўқувчига (фақат аълочиларга эмас) эйтибор берилиши лозим;

— қизиқарли дарс ўтиш усулларини қўллаш даркор...

Эҳтимол, бу таклифлар ўринлидир. Ўқитувчиларга асқотиб қолар. Зора, дарсдан қочишлар қамайс...

Бехзод ФАЗЛИДДИН,
«Ma'rifat» мухбири

ЎҚУВЧИЛАР «МУҲАББАТ СИНОВЛАРИ»ГА ТАЙЁРМИ?

Кино! Бу кимнингдир бахтли ёки аччиқ қисмати. Кинодаги воқеалар қандай кечмасин, қахрамонлар тақдирини инсонни бефарқ қолдирмайди. Айниқса, муҳаббат моҳаролари қалбларни кўпроқ ларзага солади.

Маълумки, кино санъати соҳасида республикамизда анча ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Янги кинолар рекламаси тез-тез кўзга ташланиб туради. «Хавфли бурилиш», «Севинч», «Сарвиноз», «Муҳаббат синовлари» шулар жумласидандир. Эйтибор берсак, ушбу фильмлардаги бош қахрамонлар образини кўпроқ эстрада хонандалари ижро этишгани учун ёшларимизга кўпроқ маъқул бўлаяпти. Ҳатто кичик ёшдаги болалар ҳам таниқли ёш хонандалар иштирок этган бундай фильмларни кўришга иштиёлари баланд.

Бир куни 10 ёшли синглим оймимга: — Ойим, учта-тўртта дугоналарим билан «Панорама»га «Муҳаббат синовлари»ни кўришга бормоқчимиз, хўп денг, — дея ялинди.

Ойим эса, ҳайрон қолдилар: — Ё, тавба, сизлардек миттивойларга «Муҳаббат синовлари»ни ким қўйибди?

Ҳаммадан ҳам кўра талабаларга маза. Бирор-та янги кинони қолдирмайди. Мен ҳам дугоналарим билан шахримизнинг ҳашаматли, «Халқлар дўстлиги» саройида «Соф муҳаббат ҳаммаша голиб» номли фильм намойишига кирдик. Аммо, томошабинларнинг аксарияти кичик ёшдаги бола-

лардан иборат эканлигини кўриб ҳайрон қолдик. Фильм бошланди. Ушбу кино саёз ишланганлиги туфайли, ҳафсаламиз пир бўлди. Бунинг устига фильмни замонавийлаштирамиз деб, бачканалаштириб юборишган. Экранда фильм қахрамонлари — йигит ва қизни қўл бўйида ярим яланғоч ҳолда ҳам кўраемиз.

Кинога кирган ўқувчилар ёшларига мос бўлмаган томошани ҳазм қилолмай қийналишарди. Гўё уларни кимдир мажбур қилиб ўтқизиб қўйгану агар туриб кетса, қандайдир жазога маҳкум бўладигандек ноилоҳ ўтиришарди. Улар картинада нималар бўлаётганига умуман аҳамият беришмас, у ён-бу ёнига ўгирилиб шовқин солишарди.

Билишимча, мазкур кинога кириш учун чипталар мактабларга тарқатилар экан. Бундай фильм чипталари юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланса бўларди-ку. Мурғаккина бегубор қалбларни ўзлари тушуниб етмаган дардлар билан азоблаш не даркор? Бу ҳақда жойлардаги мутасаддилар ўйлаб кўрсалар, яхши бўларди. Чунки ҳар қандай воқеа болаларнинг одоб ва ахлоқига таъсир кўрсатиши тайин. Шундай экан, ҳали сеvgи, муҳаббат нима эканлигидан бехабар болақайлар ўз ёшларига мос кинофильмлар томошасига киришса, нур устига нур бўлар эди.

Севара НОРБЎТАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

МЕНИНГ МУАЛЛИМА ЭНАМ

Мукамал касб эгалари ва жамиятнинг энг керакли инсонлари, аввало, муаллимнинг тарбиясидан, унинг дунёқарашидан, интеллектуал онгидан, шахс сифатида жамиятда тутган ўрнидан, энг асосийси, шу касбига меҳридан шаклланади, ўқувчи ҳам ўз навбатида шахс сифатида куртак очади. Куртаклар қийғос очилиб, ранг-баранг, тотли тароват таратиб, инсонлар баҳри-дилини очгандагина, ҳавас қилиш оғир бўлган масъулият — муаллим учун шарафга, фаҳрга айланади. Бегубор кўзларини ўқитувчига тикиб турган ўқувчилар улардан билим, тафаккур, меҳр олади.

Бир санъаткор сифатида муаллимларим ҳақида гапирмоқчиман. Шояд уларнинг тоғчалик берган билимларига ушоқчалик миннатдорчилигим етиб борса. Кўнгиллари озгина бўлса-да, таскин топса. «Оллоҳга шукр, берган ўғитларим, тунлари дафтар варақлаб, кўзларим нуруни уларга тўққанам, жавдираб турган болақайлару қизалоқларнинг бегубор кўзларига малҳам бўлганам, куйиб-пишиб одамийликка, комил инсон бўлишга ундаб, дашном берганларим зое кетмабди» — дейишса.

Фармонқўрғон қишлоғи. Бағри кенг, соддагина қишлоқ. Ҳар қиш фаслидан оғоҳ бўлиб, оталаримиз паҳса-лойлардан кўтарилган кўримсизгина уйлари-миз томинини янгидан сомон лой билан сувайдилар, мўрилари қоп-қорайиб, ўша уйлари-нинг кўркига-кўрк қўшадигандек, нимтатир оҳак билан оқланган, узун хоналарнинг гўё узоқ яшган чол-кампирлардек мункиллаб кўриниши кўнгилга аллақандай ширин, маҳзун туйғулар улашади. Ана шу қишлоқнинг дўппидек оддийгина хонадони. Ёдгор бахши деган табиб, ёшу қарига кинна кирганда чилдирма чалиб даволайдиган, этиқодсиз одамлардан тоби қочадиган, авлиёсифат кампирнинг мўъжазгина хонадони. Ёдгор бахшининг беш фарзанди бор. Энг кенжаси ёшлигида сўридан йиқилиб, нобуд бўлган. Шундан бўлса керак, неварачевараларнинг қаровсиз қолганидан жиғибийрон чиқади. Келинларига дашном беради, эзмаланади.

Ёдгор бахши чолидан эрта айрилган. Ўзи ҳам онасидан ёдгор бўлган. Онаси тўққан-у оламдан ўтган. Катта ўғли Боймирзо ўқимишли бўлди. Шундан бўлса керак, катта ўғлига суянади, маслаҳат сўрайди. Иккинчиси, ёлғиз қизи Иззатой. Эрка қиз. Учунчиси Маматмурод. Ўз феъли-хули бор бу болада бошқа болалардаги очиклик йўқ. Она бу ўғлига бошқача қарайди. Қовогини кўпам очмайдиган бу боланинг келажаги ўқитувчилик қилиш эканлигини она сезгандай бўлади. Тўртинчи ўғил — Мирзаали. Ёдгор бахши кўпроқ шу ўғлига илинади. Бу бола жуда содда ўсди. Онанинг гапини кўзидан тушунадиган, илдам ўша ишни қилиб қўядиган одобли бола бўлди. Лекин ўқий олмади. «Шу боламни ўқитолмадим-да, ёлғизлик қилдим», деб пичирлайди она ўзига-ўзи.

Гапининг индаллоси, Ёдгор бахши элу халқнинг ичида бўлди. Хадим, мушкулкушот, чил-

лаёсин, чироқ ёқиш каби турли халқ ирим-сиримлари билан беморлар кунларига яради. Юрганда болаларини ўйлар, энг катта орзуни уларни ўқитиб, муаллим қилиш, қишлоғидаги одамлар онгини, тафаккурини шаҳардагидек кўриш эди. Саксон ёшлардаги бу ўзбек онахонининг бундай кенг дунёқарашига раислар, қишлоқ фаоллари ҳам ҳайрон қолардилар. Баъзилари онани қўллаб туришса, баъзилари эса, энсаси қотиб, мийиғида қулиб қўя қолишарди.

«Мен эски қишлоғимизда йигирма-ўттизта катта-кичик одамларга муаллимлик қилардим. Биз эски ёзувда, қора қаламни тугугимиз билан хўллаб, кейин ёзардик. Ҳозир замонинглар яхши, ёп-ёруғ мактабларда ўқияпсизлар. Ўқинглар, болаларим», — дердилар энам денгиздек чуқур ва маъноли кўзларини бизга қадаб.

Ҳа, Ёдгор бахши халқ муаллими эди. Менинг энам эдилар. Ҳар тонг эркалаб уйғотишлари, тунлари ўнта катта-кичик биз — набираларни сандал атрофига йиғиб олиб, «Ёрилтош», «Ўрўғли», «Тоҳир ва Зўҳра», «Лайли ва Мажнун» ва бир қанча ўзлари тўқиган

достон-эртақларни йиғлатиб ҳамда ўзлари ҳам йиғлаб айтиб берардилар. Ўша достону эртақлар оғушида ухлаб қолардик. Баъзан давомини сўрардик. «Чарчадим, энди ухланглар. Даданг, онанг чарчаб келишди. Улар ҳам дам олишсин, тонг саҳар сизларни боқаман деб далага — пахтага кетишади. Энди жим ухланглар, болаларим» — деб алла айттардилар. Ўша, энам айтган аллаларни эсласам, ҳали-ҳамон вулудим титрайди. Лекин, ўша аллани ҳали бирор хонандадан эшитмадим.

Энамда муаллимлик Оллоҳданмикин, дейман. Эринмасдан менинг ҳар бир дарсларимни сўрар ва ўзлари тунлари билан мандан эртақлар, ўтилган дарсларни сўрар, ўзим ҳикоя тўқиб, эртасига айтиб беришимни талаб қилардилар. Кўпроқ чиройли ёзишни, тўғри талаффуз қилишни, дона-дона гапиришни, қоматимни тик тутиб, баралла қуйлашимни қатъий одат тусига киритардилар. «Болажоним, сендан яхшигина ўқитувчи чиқади. Мана, мени айтди, дерсан. Кўнглим сезяпти. Фақат кўп ва хўп ўқийинг, керак. Ўқитувчилик энг яхши, савобли касб. Қанчадан-қанча шогирдларинг сенинг ўғитларинг билан катта-катта одам бўлишади ва албатта, сени ғойибона бўлса ҳам дуо қилиб қўйишади», деб пешонамдан ўпиб қўярдилар.

Мактабда, институтда таълим берган устозларимга ҳурматим чексиз. Улар жойлаган ўғитлар ҳамон қалбимда. Аммо, энам Ёдгор бахшининг муаллим сифатида берган ҳаётий сабоқлари менинг санъаткор бўлишимда ва айни пайтда Маннон Уйғур номидаги санъат институтида катта ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатаётганимда акс садо бераётган бўлса, не ажаб!

Боир ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,
Маннон Уйғур номидаги санъат институти катта ўқитувчиси

Умрини халқ хизмати йўлида фидойи меҳнат билан безаган, улғу шоир Гёте таъбири билан айтганда, "яшаш ва севилишга муносиб бўлмоқ учун ҳар кунни жангга кирган" инсонлар доимо эл-юртнинг эътирофида, эъзозиди бўлмоққа лойиқдирлар. Мамлакатимиз маорифи ривожига муносиб ҳисса қўшган, бутун умрини халқ таълими раҳнақига бағишлаган устоз мураббий ва жамоат арбоби Насриддин Раҳмонов айна кунларда қутлуг саксон ёшини қаршилаётир. Ана шу сана муносабати билан "Фан" нашриёти яқинда маорифимиз фидойисининг "Умр йўли" номли хотиралар китобини нашрдан чиқарди.


Мазмун-мундарижасига кўра, мазкур китобни икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи қисмда муаллиф босиб ўтган умр йўли ҳақида ҳикоя қилади ҳамда ҳаётини таълим-тарбия ишларига бағишлаган тажрибали педагог сифатида халқ таълимининг долзарб муаммолари ҳақида қимматли мулоҳазаларини билдиради. "Умр йўли"нинг иккинчи қисмида биз Насриддин Раҳмоновнинг яқин дўстлари, ҳамкасб ва шогирдларининг устоз ҳақидаги дил сўзлари билан танишамиз.

Китобга ёзган сўзбошида педагогика фанлари доктори, профессор Рисбой Жўраев куйидагиларни таъкидлайди: "Болалигидан бошлаб мустабид тузумнинг шафқатсизликларини бошидан кечирган Насриддин ака ҳаёт синовларида тобланиди, қийинчиликларни, турмуш машаққатларини енгиб чиникди, аммо бир лаҳза бўлса-да, илм олишдан ва ўз билимларини ёш алвод онгига синдиришдан эринмади".

Мустабид тузумнинг шафқатсизликлари... Дунёга "ҳақиқат"дан жар солиб, "инсонларварлик"дан лоф айтган собиқ шўро тузумининг асл қиёфаси биз учун Истиклолдан кейингина аниқ-тиниқ кўринди. Кўплаб элу элатларнинг пешона тери ва қони эвазига бунёд бўлган бу "мухташам даврон" туб асоси билан ёлғон мафкурага ва ғайриинсоний амалиётга таянгани энди барчага ойдаи равшан. Бироқ тарих воситасида тарбиялаш — авлодларга ўтган кун воқеаларидан сабоқ бера билиш бугунги кунлар кадр-қимматини юракдан ҳис этиш кўникмасини шакллантиришнинг муҳим омил. Айна шу маънода Насриддин Раҳмоновнинг "Умр йўли" китобидаги аччиқ ҳақиқатларга йўғрилган хотиралар жуда катта ижтимоий, тарбиявий аҳамиятга молик.

Муаллиф хотиралар китобининг муқаддимасида истиқлолдан кейин қайта чирой очган азим пойтахтимиз жамолини завққа тўлиб таърифлайди. Кўпни кўрган кекса замондошимизнинг нигоҳи, биз ўз ташвишларимиз билан бўлиб, кўпдан эътибор бериб қарамайдиган ўзгаришларни ички ҳаяжон ва ифтихор билан кузатади.

Устоз Насриддин Раҳмонов бугунги ёш авлодга мутлақо нотаниш бўлган оғир турмуш шароитида улғайган; "қизил салтанат" қатағонлари жабрини гўдаклик пайтидаёқ тортган. Мактабда билим олиш, ўз орзуистаклари йўлида интилиш устоз тақдирида яшаш учун курашнинг айнан ўзига айланган. Мисоли оловда тобланган пўлат янглиг чиникқан, тақдирнинг тиканли сўқмоқларида адашмай қутлуг мақсаднинг улкан ва ёруғ йўлига чиқа олган, илму салоҳияти билан юқори мартабаларга эришган, шунда ҳам ўзини йўқотмай, ҳар бир жабҳада эл



маърифатини ўз манфаатидан доимо устун қўя билган инсонда мустаҳкам эътиқод, теран бир ички маданият бўлади. Бундайн пойдор эътиқод ва маданият ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, уларнинг илдизлари, авлоддан авлодга ўтиб келаётган хусусиятлари бўлади. Насриддин Раҳмоновнинг хотираларида биз ана шуларни аниқ кузатамиз. Булар — устознинг туғилиб, вояга етган қутлуг маскани, ўзи ёзганидек, "табиат ато этган муқаддас, азиз диёри" Нуротадир, иймонли, эътиқодли ҳамюртларидир. "Одамзоднинг илк манзилгоҳларидан бири бўлмиш бу кўҳна маскан кўп тарихий воқеаларга гўвоҳдир", деб ёзади муаллиф. Хотиралар давомида биз Насриддин Раҳмоновнинг маърифатли инсонлар оиласида таваллуд топгани, онадан жуда эрта жудо



бўлгани, Бухоро ва Қоҳира мадрасаларида таҳсил олган оталари 1917 йилги Октябрь тўнтаришидан кейин авж олган синфий айирмачилик ва талон-тарожлардан узоқ вақт жабр чекиб, охир-оқибат қатағонга учраб қамоқда дунёдан ўтганидан хабардор бўламиз...

қадиган ва тўғри йўлга бошлайдиган наҳот маёғи бу — унинг онги ва қалбига сингдирилган эътиқод ва меҳнатга муҳаббат туйғуларидир. Болалигида таъқиблардан қочиб юрган отаси қаватида турмуш машаққатларини чекиб, оғир шароитларда ундан ҳам исломий таълим, ҳам миллий тарбия олган Насриддин Раҳмонов иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ҳаётини, университет даргоҳида кечган йилларини, устоз ва сафдошларини ички бир энтиқиш билан хотирлайди.

"Умр йўли" китобида муаллиф хотиралари фақат унинг ўз шахсий ҳаёти ва фаолияти баёнидан иборат бўлиб қолмаган. Н.Раҳмонов шўролар даврида машаққат чекиб, собиқ марказнинг қош-қовоғига қараб республикада халқ таълимини ривожлантириш йўлида олиб борилган ишларни, бу жабҳада жонкуярлик намуналарини кўрсатган ҳамкасблари, сафдошларини бир-бир эслайди.

УСТОЗ САБОҚЛАРИ

Бир қараганда, устознинг умр йўли халқимиз ХХ асрда босиб ўтган бениҳоя оғир даврнинг ёрқин бир тимсолидай гавдаланади. Содда ва равон тилда, ростгўйлик билан самимий ҳикоя қилинган умр йўли қиссасини ҳаяжонланмай ўқиш қийин. Кўз ўнгимизда зўравонлик асосига қурилган тузумнинг оддий ўспирин тақдирини мисоли қутурган сел оқизиб кетаётган хасдай бенажот ҳолати гавдаланади. "Миллионлаб одамлар "халқ душмани", "миллатчи", "зараркунда", "қулоқ" сифатида йўқ қилинди. Бизнинг оиламиз ҳам ана шу қатағон шамоли, аччиқ довуллари худудига тушиб қолдики, бу гирдобдан четда қолиш ёки қочиб чиқилишнинг асло иложи йўқ эди", деб ёзади Н.Раҳмонов.

Шахсни ҳар қандай тақдир чигалликларидан омон олиб чи-

Ва кўз ўнгимизда мамлакатимизда маориф тизимини оёққа турғизиш, унинг такомиллашувини таъминлаш йўлида бутун бини авлоднинг — арбоблар, олимлар, етук кадрларнинг кўрсатган фидойиликларини аниқ-тиниқ намоён бўлади. Энг муҳими шундаки, устоз Насриддин Раҳмонов ва у кишининг сафдошлари фойлияти замондошларимиз учун ибрат олса арзиғулик ўзига хос ҳаёт мактаби бўлиб ҳам хизмат қилади.

Бугун жамятда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, хусусан, таълимда кечаётган туб янгиланишлар ҳақида фикр юрттаркан, муаллиф ўз соҳасининг етук билимдони сифатида истиқлол йиллари қўлга киритилган ютуқларни бирма-бир таъкидлаб, таҳлил этиб, истиқболдаги вазифалар борасида мулоҳаза юритади.

Ehtrom

Ўз хотиралари якунида Н.Раҳмонов шундай ёзади: "Босиб ўтган ҳаёт йўлимни, умр чорраҳаларини кўз олдимга келтириб, сарҳисоб қилар эканман, халқ маорифини юксалтириш йўлида чеккан заҳматларим, елиб-югуришларим, тунни тонгга улаб қилган меҳнатларим беҳуда кетмаганига қувонаман. Яратганга минг-минг мартабалаб шукроналар билдираман". Халқ хизматида камарбаста бўлишнинг ўзи бир жасорат. Умрнинг сарҳисоб палласида ана шу хизматнинг самарасини кўриш эса, беҳад улкан инсоний бaxт, албатта.

Узоқ йиллар мобайнида бирга ўқиган, ишлаган, елкамаелка туриб қийинчиликларни бирга енгиб ўтган сафдошлари, дўсту биродарлари, шогирдлари устоз Насриддин Раҳмоновнинг маърифатга бағишланган баракали ҳаётини катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишади, ибратомуз жиҳатларини самимий таърифлашади. Улар орасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги С.Шермухаммедов, педагогика фанлари доктори, профессор Ж.Йўлдошев, академиклар А.Қосимов, М.Баратов, таниқли олимлар А.Отақулов, М.Мамамов, К.Оқилов ва бошқалар бор. Уларнинг дил сўзларида Насриддин Раҳмоновнинг инсоний фазилатлари, ташкилотчилик маҳорати, устозлик, олимлик салоҳияти, оилапарвар, меҳрли қалб соҳиби эканлиги ҳаётий воқеа-ҳодисалар, таассуротлар воситасида ишонarli тарзда айтилади. "Умр йўли" китобининг бу қисми мантиқан Насриддин Раҳмонов хотираларини тўлдириб, кўз ўнгимизда халқимизнинг жонкуяр фарзанди қиёфасини тўла гавдалантиради.

Энг муҳими, "Умр йўли" китоби юксак мақсадларни кўзлаб, бу мақсадлар йўлида барча тўсиқларни мардонавор енгиб, ўзини эл-юрт хизматида бағиш этган чин инсон қиссасидай таассурот уйғотадики, буни мухтасар тарзда устоз Насриддин Раҳмоновнинг сабоқлари, десак ўринли бўлади. Босиб ўтган мардонавор ҳаёт йўли билан, амалга оширган яратувчилик меҳнати билан эл-юрт ҳурматини қозонган пиру бадавлат устозимизни табаррук саксон ёшлари билан барча шогирдлари номидан муборакбод этиб, узоқ умр ва хотиржамлик тилаб қоламиз.

Аҳмад ОТАБОВЕВ,
"Меҳнат шухрати"
ордени соҳиби

Кунни кеча пойтахтимиздаги "Шератон" меҳмонхонасида "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш минтақавий хизмати такомиллаштириш" мавзuida илмий анжуман бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақал-

йил давомида юртимизда муваффақиятли амалга оширилганлиги, бу дастурда кўзда тутилган вазифалар самарали ҳал қилинганлиги ҳақида фикр алмашдилар. ЕвропЭЙД

га компьютер технологиялари ва замонавий асбоб-ускуналарни нафақат Қорақалпоғистон ва Қашқадарё вилоятларида,

ЛОЙИҲА МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

поғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Брюсселдаги Европа Иттифоқи ижтимоий сектори, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасидан вакиллар иштирок этиб, ЕвропЭЙД тақдим қилган лойиҳанинг икки

лоийҳаси раҳбари В.Лебедев режадаги вазифаларни амалга оширишда яқиндан ёрдам берган Франциянинг "Консей Санте" ҳамда Германиянинг "ГПЦ" компаниясига ўз миннатдорчилигини билдириб, шошилинч тиббий хизмат-

балки юртимизнинг бошқа вилоятларида ҳам жорий этиш кераклигини таъкидлади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган барча тиббий муассасаларни малакали ва етук мутахассислар билан таъминлаш, уларга ўз вақтида керакли тиббий жиҳозларни етказиб бериш ва янада такомиллаштириш эътироф этилди.

МУХБИРИМИЗ

КЕМБРИЖ, ГАРВАРД... БИР ҚАДАМ

"Истеъдод" жамғармасида кейинги бир йил ичида педагог-ўқитувчилар ҳамда илмий ходимлар ўртасида республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг 30 та устувор йўналиши бўйича танлов ўтказилди. Шу асосда жамғарманинг 220 нафар грант совриндорларидан 50 нафари хорижий ўқув юртларда малака ошириб қайтдилар. Жамғарма негизида 2003 йилнинг 26 августидан эътиборан масофали ўқитиш маркази ташкил этилган эди. Ҳозирда олий таълим муассасала-

ри, академик лицей, касбунаҳар коллежлари ва умумий ўрта таълим мактабларининг ёш ва истеъдодли ўқитувчилари, илмий тадқиқот институтларининг ходимлари масофадан туриб малака оширмоқда-

Masofaviy ta'lim

лар. Улар республикамизда туриб дунёнинг етук ўқув масканлари — Кембриж, Гарвард, МДУ, Васеда, Сорбона университетларининг бакалаврлик ҳамда магистрлик дипломлари ҳамда сертификатларига эга бўлмоқдалар. Бу эса катта маблағ

ва вақтни тежашга имконият яратяпти.

Жорий йилнинг 1 апрелидан эътиборан икки нафар грант соҳиблари — Р.Азимов, М.Аҳмедов бизнесни бошқариш мутахассислиги бўйича Буюк Британиянинг Хериот—Ватт университети қошидаги Эдинбург бизнес мактабининг 1-курс магистратурасида масофадан туриб ўқишмоқдалар. Ҳозирча шундай магистрлардан 5 нафарини тайёрлаш режалаштирилган.

Гулноза РАХИМОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 3-курс талабаси

ЎЗ ТИЛИНИ СЕВАР ЭДИ...

Ўзбекистонда XX аср боши ва айниқса, 20-30 йиллар, иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги даврдаги муҳим матбуот ва адабиёт намуналарини синчковлик билан кўздан кечирган, лексикамиз тараққиётининг асосий тамойилларини аниқлаш юзасидан шахсий карточка ва архив материалларини йиққан ёш тадқиқотчи Гулшод Муҳаммаджонова 1972 йилда профессор Фаттоҳ Абдуллаев раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёқлаганди. Диссертациянинг расмий оппонентлари Гулшод Муҳаммаджонованинг «Ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси тараққиётининг айрим масалаларига доир» номли номзодлик диссертацияси фақат ўзбек лексикологиясини ўрганишга доир эмас, балки бу борада бошқа туркий халқларнинг ҳозирги замон лексикаси тараққиётини қиёсий ўрганиш учун ҳам муҳим илмий-назарий аҳамиятга эга эканлиги ҳақида ўз фикрларини билдиришди. Гулшод Муҳаммаджонова институтда муваффақиятли диссертация ёқлаш билангина чекланиб қолмай, бу ерда ўтказилган турли илмий-амалий анжуман ва конференцияларда тилшуносликнинг муҳим масалаларига бағишланган илмий семинар ва диссертация муҳокамаларида ҳам ўзининг мазмунли маърузалари, мулоҳазалари билан фаол иштирок этди. Ҳозирги замон ўзбек тили бўлими олимлари томонидан тайёрланган монографияларда назарий масалаларни кўтариб чиқди. Бунинг натижаси ўлароқ, XX асрнинг 60-70-йиллари орасида олиманинг «Ғафур Ғулом шеърининг баъзи бир лексик хусусиятлари», «Ўзбек тили лексикасидаги ўзгаришларга доир», «Ҳамза шеърларининг лексикаси» каби ўнлаб монографиялари чоп этилди.

Гулшод Муҳаммаджонова

**Xotira**

умрининг охириги йилларида олий ўқув юртларида ўзбек тилидан дарс бериш билан бирга ўзбек тили лексикологик ривожининг кейинги тамойиллари ҳақида ҳам кузатишлар олиб бораётган эди. Филология фанлари номзоди Клара Шарипова билан бирга профессор Фаттоҳ Абдуллаев асарлари ва у ҳақдаги библиографик кўрсаткични ҳам тайёрлаб қўйган эди. Афсуски, бевақт ўлим унинг илмий ва педагогик фаолияти айна гуллаган бир пайтда уни орамиздан олиб кетди. У ўз она тилини, унинг ривожини ва келажagini, мустақилликни ниҳоятда сева ва қадрлар эди. Оилада ҳам, талабалар орасида ҳам ўз она тилларига меҳр-муҳаббатли бўлишни, унинг қадр-қимматини ҳар ерда баланд тутишни ва камситмасликни таъкидларди. Ўзи дарс бериб келаётган Тошкент давлат маданият институтидаги ўзбек тили кафедрасининг тугатилишини фожиа деб изтироб чекарди. Унинг ўйлаган орзулари Ўзбекистон мустақил деб эълон қилингандан кейин ҳақиқатан ҳам амалга ошди. Бугунги кунда республикамизнинг барча олий ўқув юртларида ўзбек тили кафедраси мавжуд. Давлат идорала-

рида ўзбек тилининг мавқеи ва нуфузи юқори бўлиб бораётганига ҳамма-ҳамма гувоҳдир.

Гулшод Муҳаммаджонова фақат фанда эмас, балки оилада ҳам фарзанд тарбияси учун қайғурадиган, уй-рўзғор ишлари учун елиб-югурадиган бека эди. Унинг ўғил-қизлари орасида, айниқса қизи Кавсар Турдиева алоҳида ўрин тутади. У ҳозир Тошкент педиатрия тиббиёт институтида тиллар кафедраси муdiri, филология фанлари номзоди сифатида юзлаб талабаларга ўзбек тилидан дарс бериб, онаси бошлаган педагогик ва илмий ишларни давом эттирмоқда. Бундан ташқари, у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли болалар шоираси сифатида бир неча шеърини китоблар муаллифи ҳамдир. Шулардан бири ўз онаси Гулшод Муҳаммаджонованинг ёрқин хотирасига бағишланган «Она исми» китобидир. Унда Кавсарнинг марҳум онасига нисбатан меҳр ва муҳаббат, соғинч ва қўмсаш туйғулари ўзининг чуқур ифодасини топган. Олиманинг катта ўғли Комилжон, кичик ўғли Фарҳоджонлар олий маълумотли машина муҳандислари бўлиб, турли корхоналарда ҳалол меҳнат қилмоқдалар.

Гулшод Муҳаммаджонова ҳаёт бўлганларида ўз умрининг етмишинчи баҳорини қаршилаган бўлар эди. Бироқ, олимпиа бизга ўзининг қисқа умри давомида қолдирган қимматли илмий мероси, тарбиялаб етиштирган комил фарзандлари ва шогирдлари, касбдошлари орасида топган обрў-эътибори, хурмати билан хотирамизда доимо қолади.

Азим ҲОЖИЕВ,
академик,
Эргаш УМАРОВ,
профессор,
Анвара ҲАМИТОВА,
филология фанлари номзоди

“2004 yil — Mehr va muruvvat yili”

Яқинда узоқ Бойсун туманида яшовчи дугонанинг уйига меҳмонга бордим. Маҳалласидаги бир хонадондан эшитилган шодёна, қийқириқ овози эътиборимни тортди. Саволи назаримга дугонам «Ҳа-я, бугун кўшнимиз Тўхта бувининг болалари йиғилишган», деб жавоб берди. «Болалари кўпми?» деб сўраганимда, «Ҳа... лекин ўзининг фарзанди йўқ», — деган жавобни олдим, қизиқиб қолдим.

— Тўхта Жабборова умрини маҳалламиздаги 12-меҳри-

вояга етказди. Она ўрнида тўйларига бош бўлди. Ҳозирда бу болаларнинг бири учувчи, бири шифокор, бири академик, олим, рассом, бошқаси тикувчи ёнги оддийгина уй бекаси. Бироқ уларнинг ҳеч бири ўзларини онасиз, деб ҳис қилишмайди. Байрам кунлари Тўхта бувининг уйида йиғилишади. Тутинган ўз оналарини йўқлашади. Келаётган салом хатларининг-ку саноғи йўқ. Баъзи оналар дунёга келтириб, воёга етказган фарзандларидан кўрмаган эътибор, меҳрни Тўхта буви

ЎЗГАЛАР ФАРЗАНДИ ЎЗИНИКИДАЙ

бонлик уйига бағишлаган жонкуяр аёл, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини аъзоси Ўлмасхон буви Иброҳимова. — Ўзи ҳам худди шу болалар уйида воёга етган. Оғир йиллар эди. Меҳрибонлик уйи Тўхта опани боқди, таълим берди. У ҳам ўз навбатида меҳрибонлик уйини унутмади. 1963 йили Термиз давлат педагогика институти тугатиб, тарбиячи бўлиб ишга кирганича шу ердан нафақага чиқди. Ташқаридан қараганда ҳеч ким бу меҳрибон аёлни бефарзанд демайди. Ҳамиша тарбиясидаги болалар билан бирга. Ишонасизми, ҳатто тўй-ҳашамга боргудай бўлса ҳам, болалардан бир-иккисини олиб борарди. «Булар ҳам одам танисин, тўй-маърака кўрсин-да», дерди доим у. Болаларни айтмай-сизми, бир-бирдан ширин, кўзmunchoqдай болалар «она» деб этагига осилиб турган аёлни ким бефарзанд, дея оларди.

Ҳақиқатда ҳам, ҳаётда меҳр бериб, меҳр олувчи инсонлар камдан-кам учрайди. Тўхта Жабборова меҳрибонлик уйдан олган меҳр-мурувватини етим болаларга бағишлади. Юзлаб болаларни тарбиялаб,

етим болаларидан кўраётти. Бу ҳақда Тўхта Жабборованинг ўзи шундай дейди:

— Мен бефарзанд эмасман. Юзлаб, минглаб ўғил-қизнинг онасиман. Ёшлигимдан болаларни жонимдан ортиқ кўрардим. Бироқ тақдирнинг ўйинини қарангки, Оллоҳ ўзимга фарзанд бермади. Турмуш ўртоғим билан ажралишдик. Бор меҳримни, жонимни шу қора кўзларга бағишладим. Баъзан ўйлаб қоламан, балки ҳамма нарсани кўрувчи худойим шу болалари тарбиялаб воёга етказиш учун менга фарзанд бермагандир. Яна ким биледи...

Ҳозирда ҳам табаррук онахон болалар ардоғида кексалик гаштини сураётдилар. Маҳаллагузар тўй-маъракалари доира чертиб, қўшиқ айтишга уста Тўхта бувисиз ўтмайди. Ҳали-ҳамон Болалар уйидаги турли тадбирларнинг тўри-ку Тўхта бувиники. Каттаю кичикнинг ардоғида меҳр бериб, меҳр олиб, умргузаронлик қилаётти. Бу эса ҳаммагаям насиб қилавермайдиган улкан бахтдир.

Гулмира ШУКУРОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

ДАРС — ҲАЙРАТЛАР ОЛАМИ

Бу жараён, айниқса, математика фанида яққол намоён бўлади. Ўқувчиларнинг математикани ўрганишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш ўқитувчининг муҳим вазифаларидандир.

Маълумки, математика фан ва техника тили бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли бўлса керак, бу фаннинг амалий аҳамияти кун сайин ошиб бормоқда. Математика орқали ўқувчилар ўз фикрларини аниқ, қисқа, тугал ва мазмунли қилиб сўзлашни ўрганади.

Ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг муҳим шарти, ўқитувчининг ўқитиш усули ва йўллари энг маъқул тизимини танлай олишидандир. Яъни янги педагогик технологияни дарсларга, дарсдан ташқари машғулотларга жорий этишдир.

Хўш, дарс ўзи нима?

Дарс — бу машғулот. Бу машғулотнинг асосий вазифаси ўқувчиларга пухта ва аниқ, мукамал билим беришдир. Иқтидорли ва математикага қобилиятли ўқувчилар учун қўшимча билим олиш имкониятларини яратиш лозим. Ундан ташқари, қабул қилиши сушт бўлган ўқувчиларда математикага бўлган қизиқишларини ўйғотиш, уни ривожлантириш учун дарсдан ташқари машғулотлар катта аҳамиятга эга.

Математика дарсларида ва дарслардан ташқари машғулотларда аънанавий усуллар билан бирга янги педагогик технологиядан фойдаланиш яхши натижа беради. Ҳар бир дарс ўқитувчи учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам байрам кўринишини олишига эришиш ўқитувчидан ижодкорлик, кучли билим ва ақл-идрок талаб этади. Дарсга яхши тайёргарлик кўрган ўқитувчининг дарси ўзи учун ҳам, болалар учун ҳам мароқли бўлади.

Математика — ақл машқи, тафаккур ривожини, гўзаллик эканлигини, аввало, ҳар бир ўқитувчи ўзи англасин. Аънанавий усулда, бир хил ритмда дарс ўтиш ўқувчиларда зериктиш ҳиссини уйғотади, бефарқликни келтириб чиқаради. Бефарқ ўқувчидан ортиқча нарса кутиб бўлмайди. Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи ўз дарсларини чиройли, мароқли, қизиқарли қилиб ўтказиши керак. Дарсларда ўқитувчи ўқувчи психологиясига алоҳида эътибор бериши лозим. Бир оғиз ноўрин сўз ўқувчини буткул биз ўқитаётган фандан совутиб юбориши мумкин.

Маълумки, синфдаги ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳар хил. Уларнинг айтилаётган фикрни қабул қилиш тезликлари ҳам турлича. Баъзан синфда илгарилаб кетган

ўқувчига айтилаётган гап ирода кучи сушт, ўзига ишончи кам ўқувчилар учун тушунарсиз, зерикарли бўлади. Ёки аксинча, ўрта даражали ўқувчига тушунтирилаётган фикрлар иқтидорли болалар учун зерикарли туюлади. Бу эса унда фанга бўлган қизиқишни сусайтиради. Бу сусайиш «Мен ҳаммасини биламан» — деган фикр асосида пайдо бўлади. Баъзан ўқитувчи фақат иқтидорли болалар билан кўпроқ шуғулланиб, ўртача тезликда маълумотларни қабул қилувчи болаларни назардан қочиради ва натижада қолоқ ўқувчилар сони кўпаяверади.

Бир синфга 5-синфдан бошлаб математика фанини ўқитиб келардим. Йиллар ўтган сайин, менинг назаримда, синфда математикага иқтидорли ва унга қобилиятсиз бўлганлар тоифасига ажрала борди. Бир журналда ўқувчилар ўз қон таркибига кўра айтилаётган фикрни тез қабул қилувчи ва уни секин тарзда қабул қилувчиларга бўлинишини ва шу 2-тоифа ўқувчиларга озгина эътибор, озгина ишонч, озроқ туртки берилса, улар ҳам 1-тоифа ўқувчилар қаторидан жой олишлари ҳақида ўқиб қолдим. Эртасигаёқ ўзим «бой берилган ўқувчилар» деб ҳисобланган ўқувчилар билан ишлаб бошладим.

Fikr

Ўзига ишонмай иккиланиб, тортиниб доскага чиққан ўқувчиларга салгина йўл-йўриқ бердим-да, керакли хулосалар чиқаришни ўзларига қолдирдим.

Натижа мен кутгандан ҳам зиёда бўлди. Бу ўқувчиларда ҳам ўзига ишонч, қатъият пайдо бўлиб борди. Демак, дарсларда ўқитувчи фақат таълим бериб қолмасдан ўқувчиларга психологик тарбия ҳам бериб бориши керак экан. Ҳар бир ўқитувчи ўз фанини пухта эгаллаши билан бирга психологияни ҳам яхши билиши муҳим аҳамият касб этади.

— Ҳайратланиш учун бир дақиқа кифоя қилади, бирор ҳайратланарли нарса яратиш учун эса қанчадан-қанча йиллар керак, — деган экан Клод Гелвечий.

Ўқитувчи ўқувчини ҳар бир машғулотда, ҳар бир дарсда ҳайратлар дунёсига олиб кириши керак. Бу дунёда бола ўзига номаълум дунёларни очади. Ўқитувчининг ҳайратларга тўлиқ дарси ўқувчининг соғлом фикрли, ўз кучига ишонган комил инсон бўлиб шаклланишида катта роль ўйнайди.

Мавжуда ЁРБОЕВА,
Қамаши туманидаги
4-умумий ўрта таълим мактабининг
математика фани ўқитувчиси

СОХТА МАЛИКА

Сохта Саудия маликаси American Express компаниясини судга берди. Аёл компанияни унга тегишли бўлмаган пулларни сарфлашига йўл қўйганликда айбламokban. 40 ёшли Уолл-Стрит Антуанетта Миллард компания ўзига имконияти чегараланмаган чек берганлигини тасдиқлади. Ва энди у бу миқдордаги катта қарзни тўлай олмайди. The Sunнинг ёзишича, аёл 1 млн. 129 минг доллар харажат қилиб бўлган эди. Миллард чек олиш учун ариза ёзишга келганида мутахассислиги ҳақидаги бандга «Саудия Арабистони ма-




ликаси» деб ёзади. Компания ходимлари нима сабабдандир бу маълумотни текшириб кўрмаган. Энди Антуанетта Миллард American Expressдан 2,5 миллион талаб қилапти. «Улар мени огоҳлантиришлари керак эди», — деб айтмоқда Миллард.

Фирибгар «малика»ни яқин кунларда бўладиган суд кутяпти.

ТОУОТА РОССИЯДА ЙИФИЛАДИ

Япониянинг автомобиль ишлаб чиқарувчи энг йирик компанияси Toyota Motor Санкт-Петербургда ўз маҳсулотини ишлаб чиқармоқчи, дея хабар беради Sankei газетаси. Маълумотларга кўра, Toyota Motor Россияга 80—100 млрд. иена (770—950 млн. доллар) инвестиция киритади. 2006 йилда ишга тушадиган завод йилига 100 мингта машина ишлаб чиқариши кўзда тутилган. Шаҳар маъмурияти томонидан ушбу лойиҳанинг қутилмаган жиҳатлари йилнинг охирида эълон қилиниши мумкин. «Интерфакс»нинг таъкидлаб ўтишича, Санкт-Петербург ҳокимияти Toyota фирмаси учун 3 та қурилиш майдони тақлиф қилган.



Маълумотларга кўра, жорий йилда Россияда қарийб 300 мингта чет эл машиналари, шунингдек, Япония фирмаси томонидан ўтган 9 ой давомида 33 мингтача машина сотилган.

«ЮКОС» 20 ДЕКАБРДА ТАРҚАТИЛИШИ МУМКИН

Дунёдаги гигант нефть компанияларидан бири ЮКОСнинг тақдири 20 декабргача ҳал бўлиши керак. 20 декабрда бўлиши мўлжалланган директорлар кенгашида фақат икки масала: банкротлик ёхуд фаолиятига буткул чек қўйиш масаласи кўрилади, деб хабар беради «Интерфакс». Агар бу хабарлар тасдиғини топадиган бўлса, ЮКОСни ҳеч нарса қутқара олмайди. Компания менежерлари акцияларининг кичик қисмини сақлаб қолиш учун уринмоқдалар.



Шуни айтиб ўтиш керакки, компания бошқарувида бўлган 6 нафар ходимдан 4 нафари банкротлик оқибатида келиб чиқадиган муаммолардан узокроқда бўлиш учунми, хорижга чиқиб кетишга улгурган.

НАМОЙИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Юшенко тарафдорлари президент маъмурияти биносини тўсиб қўйишда давом этмоқда. Улар тўсиб олинган ерга журналистлардан бошқа ҳеч кимни қўйишмаяпти. Юшенко тарафдорлари президент маъмурияти биноси атрофида 200-250 кишини ташкил қилади. Бир нечта тарафдорлар вазирлар кабинетига кириш жойини ҳам тўсиб қўйган. Украинада жума кунни кечкурун махсус хизмат ҳамда маъмурият ҳимояси кучайтирилди.



Виктор Юшенко тарафдорлари билан милиция ўртасидаги масофа 25-30 метрга узайтирилган. Президент ҳокимияти ҳимоячилари 1000 кишига яқин. Улар юк машиналари билан тўсилган кўчадан чекинмоқда. 2000 га яқин муҳолифат вакиллари эса, Украина Вазирлар Маҳкамаси марказий кириш қисмини ўраб олиб, намойишлар ўтказмоқда, дея хабар беради «Интерфакс» ахборот агентлиги. Президент девони ва Вазирлар Маҳкамаси атрофида бўлаётган ҳолатларни мамлакатнинг 5-канал информацион дастури ёритиб бормоқда.

Интернет манбалари асосида ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 114-гурух талабалари тайёрлашди.

Саудия Арабистони Қироллигида таълим тизими дастлаб мамлакатнинг турли гушаларида қурилган бошланғич, шунингдек, ўқувчилар ва ўқув дастурлари етишмайдиган мактабларда жорий этила бошланган. Шундан сўнг мингдан ортиқ бошланғич мактаблар, юздан ортиқ ўрта мактаблар, ўнлаб коллеж ва университетлар аста-секин ташкил этилган. Бу эса таълимнинг юқори кўрсаткичларга эришишига замин яратди.

1953 йили ёш шахзода Фаҳд бин Абдул Азиз ал Сауд таълим вазирлиги этиб тайинланганида, у замонавий таълим тизими учун илк асосни киритди.

Саудия Арабистонида таълимнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун бир хил, яъни бепул қилиб белгилан-


лар, ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг кўпчилиги Тошкентдаги қатор олиқ ўқув юртларида таълим олиб кетган мутахассислардир.

Аҳолининг асосий қисми шаҳардан четроқ жойларда тарқалиб яшагани боис, уларга қулайлик яратиш, уларни ўқитувчи кадрлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш учун мактабларни кўпайтириш талаб этилар эди. Бунда ўқитувчилар ва ўқув жиҳозлари таъминоти давлат ҳисобига тушарди.

1953-59 йилларда таълим бўйича юқори натижаларга эришилди. Бошланғич мактаблар сони 600 тага, ундаги ўқувчилар сони 95960 нафарга, ўқитувчилар сони эса 4075 нафарга, ўрта ва ўрта махсус мактаблар сони 40

ТАЪЛИМ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

ган. 1—6-синфгача болалар бошланғич таълимни оладилар. 6—9-синфда улар ўрта мактаб ўқувчилари ҳисобланади. 9-синфдан сўнг таълим йўналиши учга бўлинади. Ўқувчи иқтидори ва ўзининг қизиқишларига кўра ижтимоий фанлар, илмий-техника йўналиши, касб-хунар таълимидан бирини танлайди. Уч йил юқоридаги йўналишлардан бирида ўқиган ўқувчи сўнгра олиқ таълим олиш учун университетларга ҳужжат топшириши мумкин.



Саудия Арабистонида мактабгача таълим муассасаларининг ҳаммаси хусусий бўлиб, бирорта ҳам давлатга қарашли бўлган боғчалар йўқ.

Таълим вазирлиги асос солинмасидан олдин 306 та бошланғич ва 10 та ўрта мактаб, битта педагогика коллежи, чет мамлакатларга ўқувчиларни тайёрлаб, йўлланмалар берувчи махсус мактаб ҳамда Саудия илмий институти бор эди.

Бошида хоналарни жиҳозлаш бўйича анча-мунча қийинчиликлар бўлди. Аммо тез орада қиролликнинг барча жойларида таълим тараққиёти ва унинг ривожланиш поғоналари бошланғич, ўрта ва ўрта махсус мактабларга бўлинди. Мамлакатда олиқ таълимга эришиш мақсадида бир ёки бир неча университетларни очиги тараддуд бошланди. Давлат таълим тизими ва хўжаликнинг бошқа соҳаларида кадрлар етишмаслиги туфайли чет мамлакатларга ўқишга юборилаётган талабалар гуруҳи кенгайтирилди. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни истардик. Айни кунларда Саудия мактабларида болаларга сабоқ бераётган муаллим-

тага, ундаги ўқувчилар сони 5726, ўқитувчилар сони эса, 531 нафарга ошган. Таълим бюджети вазирлик ташкил топган пайдан бошлаб бир йил давомида (1959 йилга қадар) 20 миллион риалдан 115,1 риалгача кўпайган. Арабистон ярим оролида илк бор Ар-Риёдда Сауд шоҳи номи билан машҳур бўлган университет барпо этилди. 1960 йили қиролликнинг турли бурчакларида қизларни ўқитиш учун махсус ўқув муассасалари очилди.

1970 йил бу ерда янги таълим сиёсати ўрнатилди. Ҳамма учун тенг бўлган таълим жорий этилди. Таълимга аёллар ҳам жалб этилди. Илм олишнинг мажбурийлиги белгиланди.

Олиқ таълим вазирлиги 1975 йили ташкил топди. Қиролликда университет таълимнинг тарихи 1957 йили Ар-Риёдда ташкил этилган илк университет билан бевосита боғлиқ. Кейинчалиқ бошқа университетлар ҳам очилди, уларнинг орасида 1961 йили Мадина шаҳрида қурилган Ислом университети ҳам бор. У ҳам давлат тасарруфидаги олиқ ўқув юрти ҳисобланади. У ерда жа-

Xorijda ta'lim

ҳоннинг турли мамлакатларидан келган 120 миллатдан ортиқ талабалар таҳсил олади. Ундан кейин Заҳранда қирол Фаҳднинг университети ташкил этилди (1963 йил). Кейинчалик Даммамада (1974 йил) Фейсал номли университетга асос солинди. 1971 йили қирол Абдул Азиз номидаги университет Жидда шаҳрига ўтказилди. Улар миллийдан бошқарувчилик университети мақомига кўтарилди. Кейинчалик Ар-Риёдда (1974 йил) Имом Муҳаммад бин Сауд номидаги Ислом университети ташкил топди. Сўнгра Макка шаҳрида Умм ал Кура номидаги университет (1981 йил) қуриб битказилди. Ва ниҳоят, 1998 йил қирол Халид но-

мидаги университетга асос солинди.

1970-2000 йилга қадар таълим соҳасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Мактаб ва умумий таълим муассасаларининг сони 3283 тадан 22102 тага, билим юртига қабул қилинган ёшларнинг сони 600 мингдан 4563254 нафарга, ОУЮларида таҳсил олаётган талабалар сони 8 мингдан 399328 га, мактаб, техника коллежларига қабул қилинган талабалар сони 840 нафардан 50004 нафарга, махсус ихтисослашган тайёрлов марказларига қабул қилинган ўқувчилар сони 578 нафардан 10000 нафарга ошган.

Кўпчилик Саудия Арабистони ислом давлати бўлгани учун мактаб ўқувчиларига ҳам ислом дини ҳақидаги таълим бошқа фанларга нисбатан кўп берилса керак, деб ўйлаши мумкин. Мактабларда диншунослик фани белгиланган соатлар асосида ўтилади. Ва бу фан орқали дунё динлари тарихи, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари, тарқалган ҳудудлари, аҳолининг қанча қатлами қайси динга эътиқод қилиши каби маълумотлар берилди. Ислом дини ҳақидаги тушунчалар ҳам бошқа динлар қаторида тушунтирилди. Бу билан ўқувчилар диний бағрикенглик, ўзга динларга ҳурмат туйғуси билан тарбияланади. Ислом дини аҳқомлари эса, оилада ҳар бир болага қаттиқ ўргатилади.

Саудия Арабистони Қироллигининг Ўзбекистондаги элчихонаси тақдим этган материаллар асосида Шарифа МАДРАҲИМОВА, Шаҳноза ЖЎРАЕВАлар тайёрлади.

МЎЪЖИЗАВИЙ ДЕВОР

Буюк Хитой девори жаҳондаги энг улкан ёдгорликдир.

Бу девор «Ванги гончанг», яъни «10 мингли узунликдаги девор» деб номланиб, дастлабки қисми милoddан аввалги III-IV асрларда қурилган. У милoddан аввалги даврларда Фарбга томон 500 км.га узайтирилган. Кейинчалик уни қуриш ва мустаҳкамлаш ишлари давом этдирилган. Хитой археолог олимларининг 2001 йилдаги илмий текширишларига кўра, Хитойнинг жанубий-фарбидаги сунъий тепаликнинг ҳам Буюк Хи-

той деворига дахлдорлиги аниқланди. Бу билан унинг умумий узунлиги 530 км.га чўзилди.

Буюк Хитой деворининг баландлиги 6,6 м., кенглиги асосида 6,5 м., юқорисиди 5 м. Ҳар юз метрда соқчилар учун тўртбурчак жойлар қурилган.

Деворнинг ҳар 10 км.да кузатиш ва хабар бериш учун миноралари, тоғдаги муҳим кўрғонлари бўлган. Буюк Хитой девори маъмурий ёдгорлик сифатида сақланади.

Ҳабиба ТУРМАТОВА, Тошкент Молия институти талабаси

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ маъмурияти ва меҳнат жамоаси аъзолари институтнинг ўқув бўлими бошлиғи, доцент Азизжон Юсуповга қизи **ЛАЗИЗАХОННИНГ** бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.


Тошкент давлат авиация институти раҳбарияти ва қасаба уюшма жамоаси институтнинг «Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси» кафедраси катта ўқитувчиси Н.Шариповага отаси **НАРИМОН ОТАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат авиация институти раҳбарияти ва қасаба уюшма жамоаси институтнинг «Учиш аппаратлари ва аэропортларнинг электр жиҳозлари» кафедраси доценти С.Морозовга отаси **Иван Федорович МОРОЗОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат авиация институти раҳбарияти ва қасаба уюшма жамоаси институтнинг 4-курс талабаси **Олег ГЛАЗКОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига таъзия изҳор этади.

NAFOSAT OLAMI G'UNCHALARI

23-noyabr kunini mamlakatimizning turli go'shalaridan kelgan qirqdan ortiq bolalar hali ko'p eslab yurishadi. Shu kuni ular Respublika ilmiy pedagogika kutubxonasida an'anaviy «Nafosat» — yosh ijodkorlar uchrashuvida ishtirok etishdi. O'zlarining she'riy mashqlarini o'qib, ustozlar bahosini olishdi. Bir-birlari bilan tanishib, yangi do'stlar orttirishdi. Xullas, So'zga, She'rga muhabbat yetaklab kelgan bolalarni «Nafosat» birlashtirdi. Ular ijodidan tanlab olganlarimizni sizga ilindik.



**Qahr qilmagin bir dam,
Zararing bo'lardi kam.
Yaxshisi issiqda es,
Uzoqlarga qani tez.**

Feruza PO'LATOVA,
Nurobod tumanidagi 67-maktab
o'quvchisi

**Tur gulim,
Bir kun kelib gulzoringda
To'y qilamiz.
Atirgulim — bo'ylaringni to'yib hidlay.**

Dilfuza MAHKAMOVA,
Jizzax tumanidagi
23-maktab o'quvchisi

TAQDIR

**Shamollarning manzili uzoq,
Xuddi mening orzularimday.
Diydor baxtga qo'yadi tuzoq,
Alam bilan qayg'ularimday.**

**Irodamning yo'llari uzun,
Sinab ko'rar sabr narvoni.
Taqdirimning so'qmoqlaridan
Olib o'tar hayot karvoni.**

Nazokat SHERBOYEVA,
Yangibozor tumanidagi
2-maktab o'quvchisi

TA'ZIM

**Bir she'r yozay deyman,
Har so'zi javohir bir she'r.
Mehr yog'ib tursa misralaridan,
Ohangi alladay ilohiy bo'lsa,
Dilim yonib,
Tilim kuyib kuylasam uni,
Onam —
Bedor o'tkazgani mening qoshimda,
Bir tun haqqiga yetgulik
Bir she'r.
Bir she'r yozay deyman
Bir umr bir she'r.**

Yorqinoy ERNAZAROVA,
Yangiariq tumanidagi
10-litsey o'quvchisi

BOG'

**Bog'imiz juda go'zal,
Ko'rganlar bo'ladi lol.
Atrofiga ekilgan,
Qator-qator terak, tol.**

**Bog'imiz juda go'zal,
Unda o'sar behi, nok.
Shaftoli tilik-tilik,
Yordamga kelar yong'oq.**

**Bog'imiz juda go'zal,
Bobomdan meros qolgan.
Gullar hidi qilar lol,
Bog'imga qo'nar hilol.**



Gulzira XOLBOYEVA,
Qorako'l tumanidagi
26-maktab o'quvchisi

USTOZLARGA EHTIROM

**Boshginamni silagan,
Baxt-omadlar tilagan.
Nur-ziyodan yaralgan,
Ustozlarga ehtirom!**

**Tanilgin deya elga,
Qo'lini berib qo'lga.
Solgan kattakon yo'lga,
Ustozlarga ehtirom!**

**Otam kabi ulug'im,
Onam kabi suygim.
Doim aziz, qutlug'im,
Ustozlarga ehtirom!**

**Sirli dengizsiz, ummon,
Sizsiz hayot yo'q, tamom!
Ko'z oldimdasiz hamon,
Ustozlarga ehtirom!**

Mahliyoxon ORIFJONOVA,
o'quvchi. Furqat tumani

SHAMOL

**Eh, shabada, shabada,
Shoshasanda sen andak.
Goh yerlarni quritib,
Goh gullarni so'litib.**

**Esasanda bekorga,
O'xshaydi iching torga.
Foyda bersang qaniydi,
Seni olam taniydi.**

**Mehnatingga balli deb,
Bu ishlaring qani deb.
Ha, sening foydang bordir,
Issiq joyga sen qordir.**



**Bulutlarni yetaklab,
Yomg'irlarni chelaklab.
Kelasanda sen axir,
Lekin qilasan qahr.**

**Aytgin buncha o'ynaysan,
O'z-o'zingcha quvnaysan.
Sahrolarda qum-to'zon,
Bog'larda-chi cho'p, xazon.**



ATIRGULIM

**Atirgulim bo'ylaringni
To'yib hidlay,
Yanog'inga boshginamni
Qo'yib hidlay.
Yuragimning eng to'ridan
Joy olding-ku,
Barcha gullar orasida
Suyib hidlay.**

**Dunyolarni tutib ketsin
Iforlaring,
Yomg'ir suvi yuvib ketsin
G'uborlaring.
Bu olamni jamolingga
Maftun etsin,
Sen ochilgan o'sha tongu
Bahorlaring.**

**Qirmiz yuzing ko'rib ko'ngil
Yashnab ketar,
Xayollarni go'zallikka
Boshlab ketar.
O'zi shoir, o'zi rassom
Gul tabiat,
Nozik dilni o'z husniga
Maftun etar.**

**Onajonim armonlari
O'lsin deyman,
Iforlaring unga shifo
Bo'lsin deyman.
Seni uzib unga hadya
qilganimda
Onam qalbi sevinchlarga
To'lsin deyman.**

**Go'zallikning madhin yoyib
Kuy qilamiz,
Iforingla olamni
Xushbo'y qilamiz...
Bir tilagim: dunyo turguncha**



TONG VA TUN

**Yangi tong otmoqda chiroyini yoqlab,
Mushfiq qalbim bilan bo'lmoq uchun do'st.
Ana, taqillatar, o'rnin so'roqlab,
Yozning darvozasin betoqat avgust.
Yangi kun kelmoqda shodumon, qarang,
Tong uning bag'riga o'zin otmoqda.
... Ana, kunbotarda shafaq lolarang,
Ufqqa bosh qo'yib, avgust botmoqda.
... Eshitlar tongning o'ynoq safosi,
So'ng, o'zi chopqillab kelgay qoshimga.
... Parivash avgustning shirin orzusi
Sokin kechalari kirgay tushimga.
... Nahorning yaltiroq, iliq oftobi,
Qaynoq yuragimga bo'lib qoldi do'st.
... Ana, tun bag'rida balqir mohtobi,
Erta tong vasliga intilar avgust.**

Mansur JUMAYEV,
Qarshi shahridagi
18-maktabning 7-sinf o'quvchisi

Burhon RIZO olgan suratlar.

«СУВ ПАРИСИ» — ТОШКЕНТДА

Мухташам сув спорти саройида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси ҳомийлигида ўсмир ёшдаги қизлар ўртасида синхрон сузиш бўйича V халқаро «Сув париси» спорт турнири бугун ниҳоясига етади. Турнир Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта-махсус таълим ҳамда Мудофаа вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Соғлом авлод учун», Республика «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон синхрон сузиш федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мусобақа очилиш маросимида Хотин-қизлар кўмитаси раиси Светлана Иномова, халқаро кураш федерацияси президенти Комилжон Юсупов қатнашди ва турнир иштирокчиларини қизгин табриклади.

Ушбу турнирда Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилояти сузиш мактаби қизлари қаторида Россия, Хитой, Қозғистон, Ҳиндистон ва Беларуссиядан келган 50 нафарга яқин спортчи қизлар иштирок этмоқда.

Маъмураҳон ҚУТЛИЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Мирзо Абулазим Сомий Бўстоний номли мактабда 1800 га яқин йигит-қизлар таҳсил олаётган бўлса, айни кунда уларнинг қарийб 87 фоизи турли спорт тўғаракларига жалб этилган. Мактаб директори Туроб Муҳаммедовнинг эътирофи этишича, билим масканида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши рейтинг кўрсаткичлари асосида таҳлил этилганда, туманда биринчи ўринда туриши, кейинги йилларда муассасада қонунбузарлик ҳолатларининг учрамаётганлигининг асосий сабаби ҳам ана шунда.

Мактабнинг волейболчи йигитлари 2002-2003 йилларда бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» республика мусобақаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашган бўлса, 2002 йили Чирчиқда бўлиб ўтган беллашувларда биринчиликни қўлга киритишган эди. Айни кунда баскетбол, стол тенниси, футбол, шахмат-шашка каби тўғараклар ҳам ташкил этилиб, мунтазам иш олиб бормоқда. Спорт устаси Зокир Носиров, Тилов Фармонов, Тўлқин Отамуродов, Носир Рустамовлар жисмоний тарбия дарсларини замон талаблари асосида ўтишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мактабни ўтган йили тугатган Сухроб Ёдгоровнинг «Универсиада — 2004» мусобақаларида иштирок этиб, туман тарихида биринчи марта олтин медал со-

ҳиби бўлиши жамоа учун катта шухрат келтирди.

— Мен бу муваффақиятим замирида мактабимизда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг имкониятлар яратилгани, устозларимнинг фидоийлигини кўраман, — дейди айни кунда Самарқанд архитектура-қурилиш институтининг 1-курсда таҳсил олаётган С.Ёдгоров. — Ана шу меҳнатлар, устозларим кўмагидаги тинимсиз изланишлар боис, Ўзбекистон терма жамо-

бир томонига кўзгулар ўрнатилган хонада Дилфуза Ҳамроева ва Гавҳар Раҳмоновалар бадий гимнастика машқларини ўтказишар экан. Бу шароитларнинг яратилишида туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими яқиндан кўмаклашганини қайд этиб ўтиш жоиз.

— Тўғарагимизга 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган 40 нафардан ортиқ қизларимиз жалб этилган, — дейди Д.Ҳамроева. — Кўриб турганингиздек, қишлоқ

ҚИЗИЛТЕПАЛИК НИҲОЛЛАР

униб-ўсиб етук спортчилар бўлишига, шубҳа йўқ

асининг аъзоси бўлдим. «Спорт устаси» деган эътироф мен учун катта бахтдир.

Собиқ ўқувчининг бу гал ҳам муаллимлари меҳрини кўмсаб мактабга келгани дилимизга самимий, илиқ бир ҳаяжон улашди... Иккинчи қаватга кўтарилар эканмиз, нозик қадди-қомати ўзларига бирам ярашиқли қизалоқларнинг бирин-кетин жисмоний тарбия хонасига кириб кетаётгани тўғриси, кўнглимизда ҳавас уйғотди. Кенг, ёруғ, ажойиб поёндоэлар тўшалиб, деворининг

мактабларида ҳам спортнинг бу турини жорий этиш мумкин. Бадий гимнастика нафақат гўзаллик ва нафосат машқи, балки саломатлик гарови ҳамдир.

— Мен шамоллаб қолган эдим. Бу ерда ўрганган машқларимни уйда ҳам давом эттириб дори-дармонларсиз тузалиб олдим, — дея суҳбатимизга қўшилади ширингина қизалоқ Ситора.

— Гимнастикага қатнаётганимдан буён ҳечам толиқмайман. Дарсларни ўзлаштири-

Bolalar sporti

шим ҳам яхши. Доим хурсанд бўлиб юраман-да, — дея тортинибгина давраимизга қўшилмоқ бўлади хушрўйгина Мафтуна ҳам...

Қизларнинг енгил ҳаракатлари, ярашиқли либослари, кайфиятларидаги хушnudлик, руҳиятларидаги тетиклик, албатта, ақлу шуурларидаги ижобий таъсир этиши, шубҳасиз. Гимнастикачи қизлар вилоят миқёсида бўлиб ўтаётган танловларда голибликни қўлдан беришмаяпти. Муаллима Дилфуза Ҳамроева эса, Марказий Осиёда илк бора ўтказилган «Шарқ гўзали» жаҳон кубогида иштирок этиб қайтди.

— Бу тадбирга дунёнинг кўплаб давлатларидан бадий гимнастикачилар ташриф буюришди. Биз турли тадбирларда қатнашиб олам-олам таасуротлар олдик. Тажрибаларимизни бойитдик, — дейди у завқ билан.

Мавзуга нуқта қўйиш олдида юртбошимизнинг «Спорт — миллатнинг, бутун халқнинг сиёсати» деган ундовларини қайд этишни лозим топдик. Бу чорлов том маънодаги сиёсатга айланса, узоқ қишлоқ ва овул мактабларида ҳам жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳалақит берувчи муаммолар ўз ечимини топа боради.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ЭЛЛИКТАНИНГ ЭНГ ЗЎРИ

Ўзбекининг янги асрдаги кашфиёти бўлган жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ўтган ҳафтада Бенидорм (Испания) шаҳрида тезкор шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнирда дунёнинг энг зўр шахматчиси эканлигини яна бир бор исботлади. Халқаро гроссмейстеримиз эллик нафар шахматчи қатнашган нуфузли турнирда етти партиянинг олтигасида галаба ва бир учрашувда дуранг натижани қайд этиб, мухлису мутахассислар эътирофига сазовор бўлди. Етти имкониятдан 6,5 очко жамғарган ҳамюртимиз ҳақли равишда биринчи ўринни қўлга киритди. Куба вакили Г.Перес ҳамда аргентиналик К.Минцерга кейинги ўринлар насиб қилди. Ҳозирда Р.Қосимжонов ФИДЕ рейтингда 1-ўринни эгаллаб турган Г.Каспаров (Россия) билан 2005 йил бошларида Дубай (БАА) шаҳрида ўтадиган учрашувга жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

Самбо бўйича Турсунзода (Тожикистон) шаҳрида фахрийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида МДХ давлатлари, Монголия, Чехия каби мамла-

ҚАРИЯ ДЕМАНГ БИЗНИ...

катлардан 568 спортчи гиламга чиқди. Ушбу чемпионатда Ўзбекистон фахрийлари 7 олтин (Н.Юсупов, Ф.Холиқов, Т.Гаппаров, С.Хусеинов, О.Чўлиев, О.Маъмуров ва Ф.Азимов), 5 та кумуш (М.Алиев, Г.Тим, В.Белобров, А.Мирзаев, А.Зоиров) ва 11 бронза медали билан умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

«БЎСТОН»ДА «БАРКАМОЛ АВЛОД»

Ўрта-махсус касб-хунар таълими тизими муассасаларининг ўқувчи-ёшлари ўртасида ўтказиладиган «Баркамол авлод-2005» оммавий спорт ўйинларининг минтақавий босқичи қизгин паллага кирди. Нукус шаҳридаги «Бўстон» академик лицейининг спорт мажмуасида Беруний, Амударё, Тўртқўл ва Эллиққалъа туманлари вакилларининг ўн иккита жамоаси ўртасида минтақавий босқич мусобақалари бўлиб ўтди. Шахмат бўйича «Бўстон» тиббиёт коллежи, волейбол бўйича Беруний педагогика коллежи, баскетбол бўйича «Бўстон» иқтисодиёт касб-хунар коллежи, стол тенниси бўйича Тўртқўл иқтисодиёт касб-хунар коллежи, футбол бўйича эса, яна «Бўстон» иқтисодиёт касб-хунар коллежи спортчи-ўқувлари биринчи ўринларни эгаллади. Голиб жамоалар мазкур спорт ўйинларининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичига йўлланма олди.

ҲАММАГА, ДЕМАККИ ОММАГА ТЕГИШЛИ

Болалар спортини ривожлантириш орқали баркамол авлодни камол топтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш сиёсати жамиятимизнинг барча қатламлари томонидан яхши қабул қилингани табиий ҳолдир. Чунки бу улуг мақсад ҳар бир фуқаронинг, фарзандларимизнинг муносиб шарт-шароитлардан баҳраманд бўлишини кўзлайди. Ана шу оқилона ўйланган ишларнинг кенг қулоч ёяётганини энг чекка туман ва қишлоқларда ҳам кузатиш мумкин. Бунга мисол сифатида яқинда Музрабод тумани марказида ва Бандихон туманининг «Пахтакор» ширкат хўжалигида фойдаланишга топширилган болалар спорт мажмуаларини келтириш мумкин. Уларда юзлаб ўғил-қизлар спортнинг ўнлаб турлари билан мунтазам шуғулланиши мумкин. Ёки Хоразм вилоятидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида (БЎСМ) волейбол, футбол бўйича мусобақаларнинг ташкил этилиши ҳам бежиз эмас. Мазкур мусобақалар ҳозирча фақат ихтисослашган таълим муассасалари ўртасида ўтказилди. Маҳаллий ҳокимликларнинг режасига кўра, келажақда бундай оммавий тадбирларни ўтказиш имкониятлари барча таълим-тарбия масканларида яратилади.

О.СУЛАЙМОНОВ
тайёрлади.

UEFA kubogi

Пайшанба куни футбол бўйича UEFA кубоги гуруҳ босқичининг учинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди.

А гуруҳи:	
«Шальке 04» - «Ференцварош»	2:0
«Базель» - «Хартс»	1:2
В гуруҳи:	
«Стандарт» - «Парма»	2:1
«Стяуа» - «Бешиктош»	2:1
С гуруҳи:	
«Брюгге» - «Утрехт»	1:0
«Днепр» - «Аустрия»	1:0
Д гуруҳи:	
«Динамо» (Тбилиси) - «Спортинг»	0:4
«Сошо» - «Ньюкасл»	0:4
Е гуруҳи:	
«Лацио» - «Партизан»	2:2
«Вильярреал» - «Миддлсбро»	2:0
Ф гуруҳи:	
«Амика Вронки» - «Алкмаар»	1:3
«Глазго Рейнджерс» - ГАК	3:0
Г гуруҳи:	
«Бенфика» - «Динамо» (Загреб)	2:0
«Херенвен» - «Штутгарт»	1:0
Н гуруҳи:	
«Зенит» - «Севилья»	1:1
АЕК - «Лилль»	1:2

ТУРНИНГ БАРЧА НАТИЖАЛАРИ

Yevropa chempionlar ligasi

UEFA кубоги учун баҳслар кетаётган бир пайтда Европада яна бир футбол байрами давом этмоқда. У Европа чемпионлар лигасидир. Ушбу мусобақаларнинг гуруҳ босқичи бешинчи тур ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди.

Е гуруҳида:	
ПСВ — «Арсенал»	1:1
«Русенборг» — «Панатинаикос»	2:2
Шундай қилиб, ПСВ — 10, «Арсенал» 7, «Панатинаикос» — 6, «Русенборг» 2 очкога эга бўлди.	

Ф гуруҳида:	
«Милан» — «Шахтёр»	4:0
«Барселона» — «Селтик»	1:1
Гуруҳда «Милан» 12 очко билан пеш-	

қадамлик қилмоқда. «Барселона»да 10, «Селтик»да 4, «Шахтер»да 3 очко бор.

Г гуруҳида:	
«Андерлехт» — «Валенсия»	1:2
«Вердер» — «Интер»	1:1
Гуруҳда жамоаларнинг ўрни: «Интер» — 11, «Вердер» — 10, «Валенсия» — 7, «Андерлехт» — 0 очко.	

Н гуруҳида:	
«Челси» — ПСЖ	0:0
ЦСКА — «Порту»	0:1

Гуруҳдаги аҳвол: «Челси» — 13, ПСЖ — 5, «Порту» — 5, ЦСКА — 4 очко.

Шарифа МАДРАҲИМОВА
тайёрлади.

МУАЛЛИМ
ЎГИТЛАРИ

Ўз устозидан юз ўтирган шогирд халқ назаридан қолади.

Дунёдаги ҳеч бир касбни ўқитувчилик касбига тенглаштириб бўлмайди, чунки ўқитувчи маълум бир соҳа ривожига эмас, халқнинг юксалишига хизмат қилади.

Устозлар билан собиқ ўқувчиларнинг учрашувларини кузатганингизда ўртадаги самимийлик, ўзаро хурмат умр боқийлигига ишонч ҳосил қиласиз. Аммо, ушбу туйғуларнинг заволи билмаслиги, энг аввало ўқитувчи боғлиқлигини унутмаслигимиз лозим.

Ўқитувчи ўз ўқувчисини тарбиялашда жазолаш услубидан фойдаланса, ҳеч қачон кўзлаган мақсадига эриша олмайди, аксинча ўзаро низога йўл очади.

Асқар СУЛАЙМОНОВ,
Сирғали туманидаги
237-мактаб раҳбари

Еттинчи синфга доғур аёло ўқиб шу вақтгача ҳатто тўрт баҳо нималигини билмаган Рустам, чалпақондай «икки» олишидан бир соат олдин менга мақтаниб қолди:

— Сен ҳали физкультурда қараб тургин, мен бир ҳунар кўрсатаман.

— Озгина учини чиқар-чи, нима ҳунар экан? — десам, чап кўзини қисиб тиржайди:

— Суннат аканинг қанақа ода-ти борлигини биласанми!?

Суннат ака физкультура ўқитувчимиз. Ўзи бечора, хўппа семиз,

тепадиган вазиятга чиқади-да, бор кучи билан баданглатади. Берган зарбасидан ўзи астойдил хурсанд.

— Оширсангиз бўларди, дарвозага яккама-якка турувдим, — қабилидаги афсус тўла гапларни эшитиб пинагини бузмайди.

— Майли, келаси сафар, — деб кўнгил кўтарган бўлади. Худди келаси сафар чинданам оширадигандай. Иннайкейин хушфёллиги бор. Ҳозир, масалан, мендан, форма киймаганим учун жаҳли чиқиб уришса, ярим соатдан кейин унутвориб яна жилмайиб, гаплашиб кетаверади. Хуллас, шинаванда, зе-

Иккинчи
қалдирғоч



бекорга бақириб-чақирмайди. Лекин, бахслашишни жини суймайдиган, кези келса, гапини чўрт кесиб ўтказадиган одам. Семизлиги, аммо, ўзига ярашади. Юзиям дум-думалоқ. Худди, чиройли, дўмбоқ бўғирсоққа ўхшайди. Ҳаво очик келиб, дарсни ҳовлида ўтса болаларга кўшилишиб, футбол ўйнайди. Ўйин пайти битта-яримтаси коптокни ҳеч кимга оширмай ўзи алдаб обориб гол урса, суюниб кетганидан хо-хо, хо-хо кулиб, «маладес, ота ўғил» дея мактаб кўяди. Энди агар урулмаса, энсаси қотиб «оширсанг бўлмайдим, калла» деб тўнғиллайди. Аммо, копток Суннат аканинг ўзига тушса, ниҳоятда қулай ҳолатда турган болаларнинг «оширинг» дея бақириверганидан томоғи йиртилиши мумкинлигини парвойига келтирмай, алдашга тушиб кетиб, ё олдириб кўяди ёки бир амаллаб

риктирмайди. Тувалоқлик Дилшоднинг гапига қараганда, у киши илгари «райОНО»да катта мансабда ишлаган экан. Соғлигининг маза-си бўлмай, дўхтирлар унга жисмоний ҳаракат билан шуғулланишни тавсия этишганидан мактабда ўқитувчилик қилишга розилик берган эмиш. Билмайман. Бу энди Дилшоднинг гапи. Асли қорамошлиқлардан иборат синфимизга Тувалоқ маҳалладан иккита бола адашиб тушиб қолган: Дилшод билан Рустам (бошқа тувалоқликлар «Г»да ўқийди), нимаки мактабда миш-миш тарқалса, аввалбоши шуларнинг маҳалласидан чиқади. Лекин, бир хил гаплар тўғриям чиқиб қолади. Билиб бўлмайди. Бундан бир ойча олдин Рустам ҳовлиқиб ёнимга кеб қолди. Нима эмиш: «Агар ҳовлидаги дарахтлардан олма обтушиб берсанг, Суннат ака беш кўярмиш. Шунақа одати бор эмиш».

Hikoya

Уни эшитиб ансам қотди:

— Бу гапингни маҳалладошларинг билан баҳам кўравер, — дедим.

Ўша кунги физкультура дарсида қарасам, Дилшод (тувалоқлик) Суннат аканинг ёнига бориб, футбол майдонининг чеккасидаги дарахтларга ишора қилди-да:

— Тўртта обтушсам, етадимми? — деб сўради.

— Кўрамиз-да, обтушавергинчи.

Дилшод деганлари бир маҳал зипиллаволиб дарахтга ўрмалади-да, кўйини олмага тўлдириб тушди.

Уни кўрган Суннат ака суюнганидан «хо-хо, хо-хо» кулди, кейин: — Маладес, Ҳамидов, зўр боласан-да, ўзи, — деб оғзини тўлдириб мактади.

Дарсдан сўнг, Дилшод кундалигидаги гажакдор бешни кўрсатганида ҳайрон қолиб бошимни қашиганим эсимда.

Ҳозир ҳам Рустам менга Суннат аканинг ўша одатини эслатапти деб ўйлаб:

— Биламан, — дедим-да ташқарида тинмай ёғаётган ёмғирга дараза орқали ишора қилдим. — Лекин, ҳовлида дарс ўтиб бўларканми, ҳозир? Ҳаммаёқ шалаббо бўб ётибди-ку!

— Кўрдингми, билмайсан, — ҳиринглади Рустам, — мен айтмоқчи бўлган нарса бошқа. Ҳали дарс бошланганида, агар қўл тўпи ўйнаса, яхшилаб қараб тургин. Мен гирром парпарай гол ураман, ўша пайтда сен ёнимни олиб қўллаворсанг, кўрасан нима бўлишини.

АБДУРАҲИМ

(Давоми бор)

Xullas...

ҲОВЛИДАН
ҚОЧГАН ТИМСОҲ

Кубан пойтахтида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа рўй берди. Шаҳар атрофидаги ҳовлидан тимсоҳ қочиб кетди. Денгиз йиртқичининг бу ерга келиб қолишига ҳайронсиз. Маҳаллада яшовчиларнинг фикрича, тимсоҳни тутиш учун кўп уринишлар бўлган; балиқ ушлайдиган тўр, портлатувчи пакетлар. Аммо, уринишлар бефойда. Жониворга афтидан, бой хонадонда яшаш ёқмаган, сувли жой истаб, қочишни афзал кўрган.

... Сув ҳавзасидан кўним топган тимсоҳ тўфайли қурбақаларнинг «вақ-вақи» бутунлай тинди. Афтидан, тўнғилини берган озукалар йиртқичга маъқул келмаган. Мутахассислар эса, ўзини ўзи қийин шароитдан олиб чиққан тимсоҳнинг кейинги тақдири ҳақида қайғуришмоқда. Гап шундаки, тимсоҳлар учун ҳаво 30—34 даража иссиқ бўлиши керак, сув ҳарорати эса, 28—30 даражада бўлса, бу энг қулайдир. Бундан паст ҳароратда тимсоҳнинг танасида модда алмашинуви бузилади.

Тимсоҳ эгасига унинг қаерда эканлиги маълум қилинди. Энди жониворнинг тақдирига унинг қандай муносабат билдириши жуда ҳам муҳим.

ШИШОВЧА ТАОМ

Шишов қишлоғида яшовчи Вячеслав Жиряков туяқуш боқишни хуш кўради. Унинг 100 та туяқуши бор ва уларга 4 кишини хизмат қилиш учун ёллаган. Уч йилдирки, Жиряковнинг қушлар подаси ўзларидан кўпайишмоқда. Бизнеснинг бу тури анча маблагни тежар экан. Чўчкага қараганда уларга жуда кам озуқа сарфланади. Бундан ташқари, қушларга қараган кишининг завқланиши табиий.

Африка туяқушларининг энг кўп даромади тухумида. Бир дон тухуми қовурилганда това тўлиб кетади ва бундан кўпчилик баҳраманд бўлиши мумкин. Вячеслав Жиряков уйига келган меҳмонларни ҳам шишовча таом, яъни қовурилган туяқуш тухуми билан сийлайди.

«Бу қушларни ўз иқлимимизга мослаштириш учун икки йил уриндик. Ниҳоят, учинчи йили «мева» берди. Энди уни оммавий равишда боқишда қийинчиликлар учрамайди», деб интервью беради орнитолог Вячеслав.

ana shunaqa
gaplar

ОРХИДЕЯ — МИЛЛИЙ ГУЛ

Бу турфа олам нафақат дарахтлар, балки турли гуллари билан табиатга гўзаллик, инсониятга завқ бағишлайди. Ҳаммага ёқади гуллардан бири — орхидеядир.

Орхидеяларга қизиқиш Осиё ва Америкада барвақт бошланган. Хитойда бу гулни бундан 1000 йиллар илгари экиб ўстиришган.

Орхидеялар Қадимги Хитой тасвирий санъатидаги услублардан бири ҳисобланиб, чинни буюмларда, ипак матоларда ифода-ланган.

Орхидеяларга қизиқиш тобора ортиб борган. Одамлар бу ўсимликларни қидириб узоқ ўлкаларга боришган. XVIII—XIX асрларда унинг баҳоси жуда баланд бўлган.

Ҳозирги кунда орхидея ишқибозлари ва мутахассисларни бирлаштирган тўрт юздан ортиқ жамиятлар мавжуд. Халқаро анжуманлар, кўргазмалар ташкил этилмоқда. Орхидеялар бўйича юксак билимга эга бўлганларга катта мукофотлар таъсис этилган.

Орхидеяларни ўсимликларнинг «Оқ суяқлари» деб аташа-

ди. Улар одамларнинг маънавий оламини санъат намунаси каби бойитади.

Бундай фаройиб кўринишни ҳосил қилган ранг-барангликни, бетакрор нафис ҳидни орхидеялардан бошқа ўсимликларда учратиш бўлмайди.

Гўзаллиги ва бетакрорлиги тўфайли кўп мamlakatлар ўзларида ўсаётган орхидеяларни миллий рамз сифатида қабул қилишган.

Орхидеянинг «муқаддас рух» деб аталадиган тури Панама мамлакатининг миллий гули ҳисобланади. Бу ўсимликнинг қор қаби оқ гули ўртасида гўё бошини, қанотини бироз кўтариб турган кабутар намоеён бўлган. Испаниялик қоҳинлар бу ўсимлик гулини биринчи марта кўрганларида унда муқаддас рух мужассамлашган деб ҳисоблаб, ўз таслимотларида фойдаланганлар.

Америка ҳиндулари ҳозир ҳам бу ўсимлик гулига сифинадилар. Каттлея деб аталадиган орхидея Коста-Рика ва Венесуэла, Ликаста, Гватемаланинг миллий гули ҳисобланади.

Зебохон МҮМИНОВА,
НамДУ талабаси

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБУСЛАР
ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ!

XI аср бошида буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний сайёрамиз думалоқ шаклда эканлиги ҳақидаги кашфиётни инсониятга тақдим этган эди. Минг йиллик танаффусдан сўнг бизнинг қорхонамиз ҳамюртларимизга ўз миллий тилимиздаги илк глобусларни тақдим этиш бахтига муяссар бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги «Картография» илмий ишлаб чиқариш қорхонасида нашр қилинган харита асносида ишлаб чиқарилган бежирим, сифатли, барча илмий талабларга жавоб берадиган янги имлодаги сиёсий-маъмурий глобуслар (масштаб-1:50.000.000) тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи қорхонадан пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ГЛОБУС
ТАГЛИГИДАН

1. Сайёрамиз ҳақидаги умумий таъриф;
2. Дунё аҳолиси;
3. Жаҳон макроҳудудлари ва экология;
4. Ирқ ва динлар тўғрисидаги маълумотлар урин олган.

Манзил: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Геофизика кўргони, 43-йўналишли микроавтобуснинг сўнгги бекати
Тел: 8-371-155-24-63, 161-34-68, 330-34-68. Факс: 64-08-15
Хусусий тадбиркор «Исроилов Дилмурод Зокирович»

Ma'rifat

ТАЪСИС
ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими
вазирлиги, Ўзбекистон
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги,
Ўзбекистон Таълим ва
фан ходимлари касаб
уюшмаси Марказий
Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ,
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром
БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин
КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой
МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ,
Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари), Хулқар ТҮЙМАНО-
ВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла
ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
№ 024 рақам билан 2003 йил
17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-128.
Тиражи 19595. 1 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табак.
Офсет усулида босилган, қоғоз
бичими А-3.

Набатчи муҳаррир:
Хулқар ТҮЙМАНОВА.
Набатчи:
Анвз НОРҚУЛОВ.

«Ma'rifat»дан материалларни кўчириб босиш
таҳрират руҳсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳриратга юборилган материаллар муаллифга
қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий
таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга
йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари
бўлими — 136-55-58, мактабгача ва мактабдан
ташқари таълим ва халқаро ҳаёт янгиликлари бўли-
ми — 136-56-97, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт
янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта
таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, рекла-
ма ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси соғувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Милоҳат ТОШОВА
саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмаҳонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Тошпирилди —